Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.

XXI ASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA | 51-52 (157-158)-сонлар, 2006 йил 28 декабрь | www.21asr.com

ЖАМИЯТ

3 ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ O`ZLIDEP ФРАКЦИЯСИ ФАОЛИЯТИДА ЕТАКЧИ ЎРИН ТУТАДИ

ЖАРАЁН

5 ЖОРИЙ ЙИЛДА 4,5 МЛРД. СЎМЛИКДАН ЗИЁД МЕВА-САБЗАВОТ ВА УЗУМ МАҲСУЛОТЛАРИ ХОРИЖГА ЭКСПОРТ ҚИЛИНДИ

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

7 2007 ЙИЛДА ҲАМ НЕФТЬ ВА ГАЗ МУАММОСИ БОШ МАВЗУ БЎЛИБ ҚОЛИШИ КУТИЛМОҚДА

ҲОМИЙЛИКНИ БИЗ ИНСОН ҚАЛБИ ВА ЮРАГИДАГИ ЭНГ ЭЗГУ ТУЙҒУЛАРНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ ДЕБ БИЛАМИЗ.

«ҲОМИЙЛАР ВА ШИФОКОРЛАР ЙИЛИ» ДЕБ НОМЛАНГАН 2006 ЙИЛНИ ЮРТБОШИМИЗНИНГ ЮҚОРИДАГИ ҲАЁТБАХШ ФИКРЛАРИ БИЛАН КУТИБ ОЛГАНДИК. ЯНГИ — «ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ» ЙИЛИГА ҲАМ АНА ШУНДАЙ ОЛИЙЖАНОБ НИЯТЛАР БИЛАН ҚАДАМ ҚЎЙМОҚДАМИЗ.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 25 ва 27 декабрь кунлари бўлиб ўтган мажлисида “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг мазмуни, мақсад ва вазифалари ҳақидаги ахборот билан Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси Ж.Акрамов сўзга чиқди.

Лойиҳа концепциясининг муҳокамасида автомобиль йўллари тизимини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш алоҳида муҳим аҳамиятга эга эканлиги депутатлар томонидан таъкидланди. Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилди.

Давоми 2-саҳифада.

ҚЎШ БАЙРАМ МУБОРАК, ҚАДРЛИ ЮРТДОШЛАР!

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси барча юртдошларимизни, эл ободлиги, дастурхон тўкинлиги йўлида сидқидилдан меҳнат қилаётган тадбиркор ва фермерларни, кичик бизнес вакилларини, партия фаолларини қўш байрам — Қурбон ҳайити ва Янги йил билан чин дилдан муборакбод этади. Ижтимоий ҳимоя йилида масъулият ва ташаббускорлик билан иш юритиб, ислоҳотларни жадаллаштириш, мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришга муносиб ҳиссангизни қўшасиз, дея умид билдирамиз.

Янги йил оилангизга олам-олам қувонч, бахт-саодат олиб келсин. Хонадонингиздан қут-барака, меҳр-оқибат, маъмурчилик аримасин!

O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси.

Қутлов

Ўзбекистон — барқарорлик таянчи

Юичи Кусумото, Японияниг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси:

— 2006 йилнинг август ойида Япония бош вазири Жуничиро Коидзуми расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди. Бу мамлакатимиз ҳукумат раҳбарининг юртингизга биринчи ташрифи бўлгани сабабли уни тарихий деб баҳолашга асослар етарли. Жаноб Коидзуми ва жаноб Ислом Каримов учрашуви чоғида икки томонлама ҳамда халқаро ва минтақавий масалаларга оид кўплаб долзарб масалалар муҳокама этилди. Таъкидлаш жоизки, биз оддий шериклар эмасмиз. Ёдингизда бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2002 йил Японияга ташрифи чоғида ўша вақтдаги бош вазир Коидзуми билан муҳим сиёсий ҳужжат — стратегик шерикчилик тўғрисидаги битимни имзолаган эди.

Фурсатдан фойдаланиб, Янги йилда ҳам юртингизга барқарорлик, оилаларингизга фаровонлик тилайман. Ўзбекистон эндигина мустақиллигининг 15 йиллигини нишонлаган ёш давлат. Унинг атрофидаги вазият эса анчайин мураккаб. Беқарор Афғонистондаги наркобизнес, террорчилик ўчоқлари нафақат Марказий Осиёга, балки дунёнинг бошқа мамлакатларига ҳам хавф солиб турибди.

Лекин шунга қарамай, ўзбек халқининг ўз танлаган йўлидан қатъият билан бориши ва минтақа хавфсизлигига муносиб ҳисса қўшишига ишонаман.



Мансур бин Иброҳим ал Мансур, Саудия Арабистони Подшоҳлигининг Ўзбекистондаги элчиси:

Муборак Ийд ал Адхо муносабати билан Ўзбекистон халқига энг эзгу ва самимий тилакларни йўллайман. Аллоҳ Таборак ва Таолодан ушбу фазилатли айём муносабати билан барчамизга яхшилик, хайр-барака ато этишини, мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар эса Аллоҳнинг иродаси ва Икки муқаддас масжид ходими Абдуллоҳ бин Абдулазиз Ол Сауд ва у кишининг биродари Жаноб Президент Ислом Каримов раҳнамолигида янада ривожланишини сўраймиз.

Ўзбекистон ва Саудия Арабистони ўртасидаги ўзаро муносабатлар изчиллик ила мустаҳкамланиб бораётганлигини таъкидламоқчиман. Бу жараён давлатларимиз раҳбарларининг олий даражадаги учрашувлари чоғида эришилган аҳдномалар асосида кечмоқда. Ўзбекистоннинг миллий қадриятлар ва маданиятни сақлаш йўлидаги интилишлари нафақат мамлакатингизда, балки бутун Марказий Осиё минтақасида муҳим аҳамият касб этади. Биз бугун Ўзбекистонда Имом ал Бухорий, Имом ат Термизий, Имом ал Мотуридий, Ибн Сино, ал-Беруний каби буюк алломаларнинг бой меросини ўрганиш бўйича улкан ишлар амалга оширилаётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Ҳайит айёмингиз муборак бўлсин!

Мехмет Кемал Асия, Туркиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси:

Туркия Ўзбекистон билан анъанавий дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини ҳар томонлама ривожлантиришдан манфаатдор. Айтиш жоизки, мамлакатларимиз ўртасидаги савдо ва иқтисодий алоқалар кундан-кун кенгайиб бормоқда. Туркия инвестицияси иштирокидаги корхоналар эса янги иш ўринларининг яратилишига, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётгани туфайли валюта тушумининг кўпайишига, ўз навбатида туркларнинг фойда олишига хизмат қилаяпти.

Биз Ўзбекистон раҳбариятининг Марказий Осиёни ядро қуролидан ҳоли ҳудудга айлантириш борасида илгари сурган ташаббусларини қўллаб-қувватлаймиз. Айниқса Семипалатинск шаҳрида ана шундай ҳудудни барпо этиш ҳақидаги ҳужжатнинг имзоланишини Туркия халқи мамнуният билан кутиб олди. Марказий Осиёни ядро қуролидан ҳоли ҳудудга айлантириш борасида минтақада жойлашган мамлакатларнинг 1997 йилда бошлаган саъй-ҳаракатлари ижобий якун топиши дунёда хавфсизликни таъминлашга қаратилган муҳим ва намунали қадам бўлди.

Кириб келаётган Қурбон ҳайити ва янги йил барчамизга қутлуғ бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 26 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	971,29	1 Миср фунти	217,35	1 Польша злотийси	425,84	10 Жанубий Корея вони	13,36
1 Англия фунт стерлинги	2426,06	1 Исландия кронаси	17,09	1 СДР	1867,17	10 Япония иенаси	104,35
1 Дания кронаси	218,24	1 Канада доллари	1071,00	1 Туркия лираси	870,18	1 Россия рубли	47,16
1 БАА дирҳами	337,85	1 Хитой юани	158,58	1 Швейцария франки	1015,64	1 Украина гривнаси	245,54
1 АҚШ доллари	1240,00	1 Малайзия рингги	351,08	1 ЕВРО	1625,89		

ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ

ХАЛҚНИНГ ғайрати, сиёсий фаоллиги ва яхши фазилатларига йўл очувчи ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш керак

Аёл — жамият гултожи

Аёлни эъзозлаш, унга эҳтиром кўрсатиш Шарққа, ўзбек халқига хос олижаноб хусусиятлардан биридир. Аёлларсиз ҳаётни, тараққиётни тасаввур қилиб бўлмайди. Аёл — авваламбор она, оила таянчи. Давлат, жамият эса оиладан бошланади. Шу боис мамлакатимизда аёлларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уларнинг жамиятда тутган ўрни ва мавқеини оширишга давлат аҳамиятига молик вазифа сифатида қаралаяпти.

■ Сайёра ТУРҒУНБОЕВА, «XXI asr» мухбири

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Дастурида белгиланган устувор йўналишларидан бири айнан аёлларнинг ҳаётдаги ўрни, жамиятдаги қадри ва сиёсий фаоллигини оширишга қаратилгандир. O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Аёллар сиёсий фаоллигини, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими 2006 йилдаги фаолият дастурига назар ташланса, бу борада муайян ишлар амалга оширилгани аён бўлади.

— Ўтган йили эришилган ютуқларни таъкидлаш билан бирга шуни ҳам айтиб ўтишимиз лозимки, биз ўз имкониятларимизни тўлиқ ишга сола олмадик, — дейди O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари Мухлиса Акрамова. — Ташкил этилаётган тадбирлар таъсирчанлигини янада ошириш учун ҳали кўп изланишимиз, жойлардаги фаолларимизни ишга кўпроқ жалб этишимиз лозим. 2007 йил учун тузилган дастуримизда фаолиятимизни ҳар томонлама жонлантиришга алоҳида аҳамият берилди. Бундан ташқари, келаётган йилнинг "Ижтимоий ҳимоя йили" эканлиги ҳам масъулиятимизни янада оширади. Чунки аёл ва оила билан боғлиқ муаммолар талайгина. Уларни бартараф этиш учун бор куч ва имкониятларни ишга солишга тўғри келади.

Йил давомида жойлардаги партия кенгашлари ҳамда бошланғич ташкилотлар ташаббуси билан 2200 тадан ортиқ давра суҳбатлари, семинар-тренинглар, учрашувлар ташкил этилиб, уларда 186 мингдан зиёд хотин-қизлар иштирок этдилар. Хотин-қизлар ўртасида партиянинг мақсад ва вазифаларини, либерал ғоялар ҳамда миллий қадриятларни тарғиб этиш, аёлларимизнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимини ошириш, уларни жамоат ишларига кенг жалб этишга эришиш мақсадида жойлардаги партия ташкилотлари, Сиёсий таълим марказлари билан биргаликда "Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш — давр талаби", "Бошланғич ташкилотларда аёлларнинг ўрни ва вазифалари", "Фуқаролик жамиятини қуришда аёлларнинг ўрни" каби мавзуларда қизиқарли тадбирлар ўтказилди.

Давлатимиз раҳбарининг "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг мазмун-моҳиятини тушунтириш ва амалиётга татбиқ этиш, шу билан бирга уйда ўтирган аёлларни иш билан таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш мақсадида республика бўйлаб 200 дан ортиқ тадбирлар уюштирилди, ҳудудий кўрик-танловлар ўтказилди. "Аёл — баркамол авлод мураббийси", "Ислом маърифатида аёлларнинг оила ва жамиятдаги ўрни", "Аёллар ва ёшлар диний экстремизм, терроризм ва гиёҳвандликка қарши" каби туркум мавзуларда форумлар, учрашувлар ҳамда давра суҳбатлари ташкил этилди. Бундан ташқари, мустақиллик байрами, Устоз ва мураббийлар куни, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун муносабати билан ўтказилган тадбирларда минглаб опа-сингилларимиз иштирок этдилар. Энг муҳими, бу тадбирларда O`zLiDeP электоратининг фаол аёллари ташаббускорлик қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибида киритган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳалари ҳамон хорижий давлатларнинг сиёсатчилари, экспертлари томонидан қизғин муҳокама этилаяпти. Бу, яна бир карра мамлакатимизда босқичма-босқичлик принципи асосида амалга оширилаётган ислоҳотлар эътироф этилаётганини кўрсатаяпти

Сиёсий ислоҳотлар

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТАЁТГАНИНИ АҚШ ВА РОССИЯЛИК МУТАХАССИСЛАР БЕЖИЗ ТАЪКИДЛАМАЁТИРЛАР

■ Қаҳрамон ҚЎЛДОШЕВ

Хусусан, АҚШ Миллий демократик институти вакили жаноб Ричард Глауб мазкур қонун лойиҳалари мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш борасида қанчалик аҳамият касб этиши ҳақида шундай фикр билдирди:

— Янги қонун лойиҳаларини Ўзбекистонни демократлаштиришга қаратилган қатъий ва собитқадам йўлдаги жиддий янгилик деб баҳолаш мумкин. Қолаверса, бу ҳужжатларни катта ютуқ деб тан олиш ва олқишлаш керак. Негаки, улар сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги мавқеини мустаҳкамлаш, бунга қулай шароит ва муҳит яратишга қаратилган. Сиёсий партиялар жамиятни демократлаштиришда асос ва таянч бўлиши тарихий тажрибадан маълум. Шу боис бу лойиҳалар Ўзбекистонда партиялар ролини оширишга кенг йўл очишига ишончим комил. Лойиҳаларнинг халқаро даражада қизғин муҳокама қилинаётгани ва эътирофга сазовор бўлаётгани мамлакатингизда сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотларнинг босқичма-босқич амалга оширилаётгани ва кучли фуқаролик жамияти сари дадил одимлар қўйилаётганидан далолатдир. Хуллас, Ўзбекистон танлаган йўл бошқалар учун андоза бўлиши мумкин.

Россия Ҳуқуқ академияси илмий ходими, юридик фанлар доктори, профессор В. Лапаева эса қуйидаги фикрларни билдирди:

— Янги Конституциявий қонун лойиҳасида ижро ва қонунчилик ҳокимияти ўртасидаги бўлиниш масаласига жуда аниқ ва равшан ёндошилган. Бу лойиҳа мамлакатимизда ҳам катта қизиқиш уйғотди. Россия ундан ўрнак олса арзигулик жиҳатлар бор. Масалан, лойиҳада белгиланган муҳолиф партиялар ҳуқуқи Россия қонунчилигида етарли тарзда кафолатланмаган. Шу боис мен уни Ўзбекистонда демократия ривожланишидаги катта ютуқ, деб ҳисоблайман. Мазкур қонун лойиҳалари мамлакатингиздаги сиёсий ислоҳотларнинг амалдаги ижросига, жамиятни янгилашга ижобий таъсир кўрсатишига, давлат ва жамият қурилишида сиёсий партияларнинг ваколатлари ҳамда мажбуриятлари ортишига туртки бўлишига аминман.

Биз барпо этаётган янги жамият маънавий ва ахлоқий қадриятларга таянади, бу жараён миллий истиқлол ғояси ва мафкурасига, ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга асослангандир. Шунинг учун ҳам O"zLiDePнинг диққат-эътибори халқ эътиқодини, аввало, ёшларимиз маънавиятини кучайтиришга, хоҳиш-иродасини мустаҳкамлашга, ҳар томонлама камол топган, ўз мустақил фикрига эга бўлган, миллий томирлари бақувват, теран билимли, давр билан ҳамнафас шахсларни тарбиялашга қаратилган.

Одамийлик гўзал ахлоқдан бошланади

■ Нодира БОТИРОВА

Қурбон ҳайити ва Янги йил байрамлари арафасида Сергели туманидаги молия ва иқтисодиёт коллежида иштирокчиларнинг ҳаммасига манзур бўлган ажойиб давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Тошкент шаҳар ва Сергели туман кенгашлари томонидан уюштирилган ва "Гўзал ахлоқ сирлари" мавзуига бағишланган ушбу тадбирда 300 нафарга яқин киши - O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасидан вакиллар, халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутатлари, партиянинг туман кенгаши аёллар ва ёшлар билан ишлаш бўлимлари ходимлари, партия фаоллари, тадбиркор ва ишбилармонлар, коллеж ўқитувчи ва ўқувчилари - иштирок этди.

Давра суҳбатида республика "Маърифатпарвар аёллар" уюшмаси раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли шоира Турсуной Содиқова ҳаётий мисолларга бой, сермазмун маруза қилди.

Суҳбат давомида маънавий-маърифий ва таълим-тарбия соҳасида бугунги кунда амалга оширилаётган ислоҳотлар ёшларимизни ҳам маънан, ҳам жисмонан етук, бозор иқтисодиёти шароитида бемалол рақобатлаша оладиган, аждодларимизнинг жуда бой илмий ва маънавий-маърифий мероси, замонавий билимларни пухта эгаллаган юксак ақл-заковат соҳибларини вояга етказишга қаратилгани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Кўпчиликда илиқ таассурот қолдирган ушбу давра суҳбати савол-жаволар билан якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси С.Азизовнинг тақдимига биноан ғонунчилик палатаси "Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси ғонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини кўриб чиқди. Муҳокама чоғида киритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда депутатлар қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қабул қилдилар.

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси тўғрисида Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг аъзоси О.Исаев маруза қилди. Савол-жаволардан кейин муҳокама ўтказилиб, Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллади ва уни биринчи ўқишда қабул қилди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзолари "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини тақдим этдилар. Савол-жаволардан кейин ҳужжат атрофлича муҳокама этилиб, депутатлар қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқулладилар ва уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

"Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 1861-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаларини ҳам ғонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзолари депутатларнинг биринчи ўқишда кўриб чиқишлари учун тақдим этдилар. Савол-жаволар ва бўлиб ўтган муҳокамадан кейин ғонунчилик палатаси қонун лойиҳаларининг концепцияларини маъқуллаб, уларни биринчи ўқишда қабул қилди.

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси П.Жўраевнинг маърузасига биноан депутатлар "Бюджет тизими тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси ғонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги маромига етказилган қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Савол-жаволар ва мазкур ҳужжатнинг муҳокамасидан кейин ғонун қабул қилинди.

Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг аъзоси А.Рустамов билдирилган мулоҳазалар ҳисобга олинган ҳолда маромига етказилган "Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳақида ахборот берди. Бўлиб ўтган муҳокамадан кейин депутатлар қонунни қабул қилдилар.

Чорва — қут-барака манбаи

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ЧОРВАДОРЛАРИ БУ ЙИЛГИ ҚИШЛОВГА ЖИДДИЙ ТАРАДДУД КЎРГАНИ БОИС МАВСУМ БЕТАЛОФАТ ЎТМОҚДА

Тошлоқ туманида чорвачиликка ихтисослашган 44 фермер хўжалиги фаолият юритади. Уларнинг барчаси кўкламгача етадиган ем-ҳашак захирасига эга. «Камрах», «Ҳомиджон», «Обиджон», «Сотволди Бобо», «Оқ чашма» каби фермер хўжаликлари чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда юқори самарадорликка эришмоқда.

■ М.СУЛАЙМОНОВ, ЎзА мухбири

«Баҳор» фермер хўжалигида 80 бош олақора зотли қорамол парвариш қилинади. Бу ерда ҳам қишлов олдидан 10 тонна беда, 60 тоннадан ортиқ силос, 120 тонна дағал хашак жамғарилди.

— Мамлакатимизда чорвачиликни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор йилдан-йилга кучаймоқда, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Умарали Ўринов. — Биз ҳам бунга ўз ҳиссамизни қўшишга ҳаракат қиляпмиз. Даромадимиз ҳам борган сари кўпайиб, аъзоларимизнинг турмуш даражаси яхшиланиб бормоқда.

Тумандаги фермер хўжаликлари томонидан йил давомида 280 тоннадан ортиқ гўшт, 300 тоннага яқин сут тайёрланди. Келгуси йилда бу борадаги кўрсаткичлар янада ортиши кутилмоқда.

ҲАР қандай партия ўз ғоясини кенг оммага етказа олган ва амалда исботлай билгандагина мақсадига эришади

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

СИЁСИЙ ФАОЛИЯТ

Электорат манфаати бирламчи

2006 ЙИЛ – ФАКТ ВА РАҚАМЛАРДА

Тарихга айланаётган 2006 йил Тадбиркорлар ва ишбилармон ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси учун муҳим синовлар даври бўлди. Ана шу даврда партия кенг халқ оммаси орасига янада чуқурроқ кириб боришга, ўз электорати — тадбиркорлар ва ишбилармонлар, фермерларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги мавқеи ва ролини кучайтиришга, манфаатлари ва қонуний ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялашга қаратилган кенг қамровли туркум тадбирларни амалга оширишда давом этди.

■ Тоҳир МИРҲОДИЕВ

Хусусан, мамлакатимиз Президентининг "Йирик саноат корхоналар билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида белгилаб берилган йўл-йўриқларни ҳаётга татбиқ этишга катта аҳамият қаратилди. Барча вилоятлар бўйлаб мунтазам равишда учрашувлар, давра суҳбатлари ва анжуманлар ташкил этилди. Уларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракция аъзолари, партиянинг вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари фаоллари, БПТ раҳбарлари, йирик саноат корхоналарининг вакиллари, фермерлар, хизмат кўрсатиш соҳасида иш юритаётган тадбиркорлар ва кичик бизнес вакилларидан иборат 3 мингдан зиёд киши қатнашди.

● Мана икки йилдирки, партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси қарорига мувофиқ мамлакатимиздаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, ўринбосарларни тайёрлаш мақсадида "Ишбилармон ўқувчи" стипендияси учун кўрик-танлов ўтказиб келинмоқда. Ўтган даврда мобайнида бундай рағбатга эга бўлиш учун мингдан зиёд йигит-қизлар беллашдилар. Ғолиблар орасида Зулфия номидаги давлат мукофотига номзодлар, спорт турлари бўйича мамлакат чемпионлари, халқаро кўрик-танловларнинг совриндорлари, иқтисодчи, ҳунарманд, тикувчи-зардўз, дизайнер, тиббиёт ходими ва ёш ижодкорлар бор.

● Андижон шаҳрида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракциясининг маҳаллий вакиллик органларидаги депутатлар корпуси ҳамда партия аъзоси бўлган сенаторлар иштирокида кенгайтирилган сайёр мажлиси бўлиб ўтди. Шуниси эътиборга моликки, бундай ташаббус ҳеч бир сиёсий партия фракцияси фаолиятида амалда қўлланилмаган. Давлатимиз раҳбари Сенатнинг 5-мажлисида жойлардаги маҳаллий депутатлик гуруҳлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш ҳамда қонунчиликни такомиллаштиришда уларнинг масъулияти ва фаоллигини кучайтириш вазифасини илгари сурган эди. Сайёр мажлисда илк маротаба Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилган қонун лойиҳаларига Андижон вилоятининг маҳаллий вакиллик органларига партиядан сайланган депутатлар, сенаторлар томонидан муносабат билдирилди.

● 2006 йил "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб эълон қилингач, партия раҳбарияти мамлакатда ҳомийлик ҳаракатини кенг қулоч ёйдиришга киришди. Ўтган даврда мобайнида партия тузилмалари томонидан меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда 2000 дан ортиқ турли хайрия тадбирлари ўтказилди. O`zLiDeP аъзолари ва хайрихоҳлари аҳолининг кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами - ногиронлар, ёлғиз кексалар, касалмандлар, кўпболали оилаларга 250 миллион сўмликдан зиёд мурувват ёрдамлари кўрсатдилар. Барча вилоят ва туманларда болалар спортини ривожлантириш, янги спорт иншоотлари барпо этиш, хусусан, умумтаълим мактабларини зарур спорт ускуналари ва жиҳозлари билан таъминлаш учун партия аъзолари - тадбиркорлар томонидан 282 миллион сўм миқдорида маблағ сарфланди.

● Тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини ривожлантириш мақсадида O`zLiDeP Савдо-саноат палатаси, Фермер хўжаликлари уюшмаси билан ҳамкорликни янада кучайтирди. 2006 йил мобайнида ариза билан мурожаат этган 5200 дан ортиқ фермер хўжалигига сотган маҳсулотлари учун қайта ишлаш ва тайёрлаш ташкилотларидан ололмай юрган 4789 миллион сўм миқдоридаги маблағнинг ундириб беришда амалий ёрдам кўрсатилди.

● Ноябрь ойи давомида O`zLiDeP ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида вилоятлар бўйлаб "Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ кодекси: таклиф ва мулоҳазалар" мавзуида туркум давра суҳбатлари ташкил этилди. Булиб ўтган тадбирларда реал сектор вакилларидан 1200 дан зиёд киши қатнашди. Давра суҳбатлари чоғида "фокус гуруҳлар"га 600 дан ортиқ тадбиркор ва фермер қамраб олинди. Жами 50 дан зиёд ана шундай "фокус гуруҳ" ўтказилди. "Ишонч телефонлари"га тадбиркор ва фермерлардан 300 га яқин таклиф ҳамда фикр-мулоҳазалар келиб тушди.

● Айни кунларда партия ташаббуси билан барча вилоятларда Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Божхона кодекси муҳокамасига бағишланган туркум давра суҳбатлари ва мутахассислар иштирокидаги учрашувлар ўтказилмоқда. Ҳозиргача ташкил этилган тадбирларда асосан тадбиркор ва ишбилармон, фермерлар ва хусусий бизнес вакиллари иштирок этиши таъминланмоқда.

Фаол ёшлар — жамият келажаги

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, сиёсий партиялар ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Қашқадарё вилоят бўлими кенгаши ҳамкорлигида ёшларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаоллигини ошириш мавзуидаги семинар-тренинг иш бошлади.

■ А.МУҲАММАДИЕВ, ЎзА мухбири

Сайидо Насафий номидаги вилоят ахборот-кутубхона марказида ўтаётган ушбу тадбирда сиёсий партияларнинг ёшлар бўлимлари ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари иштирок этмоқда. Тингловчилар ўқув машғулотлари давомида фуқаролик жамияти қурилишида ёшларнинг роли, бу соҳадаги миллий ва халқаро тажрибалар, етакчилик ва раҳбарлик қобилиятига эга бўлиш, жамоа ишини ташкил этиш, нотиқлик санъати, турли аудитория ва шароитларда ишлаш услублари каби йўналишлар бўйича ўзаро фикр ва тажриба алмашадилар.

Маҳсулот тури кўпаяди

Якунланаётган 2006 йилда 400 млн. сўмликдан зиёд маҳсулотлар ишлаб чиқарилган бўлса, 200 млн. сўм миқдоридаги маҳсулотларни экспорт қилиш учун россиялик ҳамкорлар билан шартнома имзоланди.

6 - САҲИФАДА

Пскент туманидаги "Қишлоқхўжаликбиотомат" агрофирмасида тайёрланаётган тузлама, мураббо, қиём ҳамда томат пасталари харидорларга манзур бўлмоқда.

■ Л.СУВОНОВ, ЎзА мухбири

— Мева-сабзавотларни маҳаллий фермерлар етказиб беряпти, — дейди корхона раҳбари Э.Қодиров. — Агрофирмамизда йилига 15 минг тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қайта ишланиб, 500 минг банка тайёр маҳсулот истеъмолчиларга етказиб берилмоқда.

Корхона маҳсулотлари ташқи бозорда ҳам ўз харидорига эга. Айни пайтда Россия ва Қозоғистондан ҳам буюртмалар қабул қилинмоқда. Янги йилда маҳсулот турлари ва ишлаб чиқариш қувватларини ошириш кўзда тутилмоқда. Натижада яна ўнлаб қўшимча иш ўринлари яратилади.

ПАРЛАМЕНТ

Қонун ижодкорлиги

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ O`ZLIDEP ФРАКЦИЯСИ 2006 ЙИЛДА 29 ТА ҚОНУН ЛОЙИҲАСИНИ ТАЙЁРЛАДИ

2006 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан жами 86 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, уларнинг аксарияти қабул қилинган бўлса, бу жараёнда O`zLiDeP фракцияси аъзолари фаол иштирок этдилар.

■ Темур АБДУРАҲМОНОВ

Олий Мажлис қуйи палатасида энг кўп овозга эга бўлган O`zLiDeP вакиллари қонунларни тайёрлаш, жумладан, бевосита партия электорати ҳисобланмиш кичик ва хусусий бизнес вакиллари, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида етакчи кучга айланиб бораётган фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятини янада ривожлантиришга қаратилган қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда ташаббускор бўлдилар. "Ипотека тўғрисида"ги, "Фирма номлари тўғисида"ги, "Кредит уюшмалари тўғрисида"ги, "Автомобиль йўллари тўғрисида"ги, "Маъмурий процедуралар тўғрисида"ги, "Тузни йодлаштириш тўғрисида"ги сингари қонун лойиҳалари шулар жумласидандир.

Фракция аъзолари парламентдаги фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва қонун ҳужжатларига, шунингдек, O`zLiDeP Низоми ва Дастуридан келиб чиқиб, партия аъзолари, Сиёсий Кенгаш қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан тасдиқланган "Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизациялаш мақсад ҳамда вазифаларининг Дастури"ни амалга оширишга қаратдилар. Жумладан, "Тузни йодлаштириш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси айнан ушбу Дастурни амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқилди. Ёки Ўзбекистон Республикасининг "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуни ҳам фракция аъзолари томонидан тайёрланди ҳамда депутатларнинг кўпчилик овози билан маъқулланиб, қабул қилинди.

Албатта, қонун ижодкорлиги ўта масъулиятли вазифа бўлиб, кишидан муайян билим, амалий тажриба, илмий-техник салоҳиятни талаб қилади. Шу маънода фракция таркиби турли соҳа вакилларидан иборатлиги, уларнинг 17 нафари фан номзоди, икки нафари фан доктори эканлиги парламентдаги O`zLiDeP вакиллари салоҳиятининг юқорилигидан далолат бериб турибди.

O`zLiDePдан сайланган депутатлар бевосита қонунчилик ижодкорлиги билан шуғулланишдан ташқари турли оммавий-сиёсий тадбирлар, жамоатчилик ишларида ҳам фаол иштирок этмоқдалар.

— Сайловчилар билан ташкил этилаётган учрашувларимизда тилга олинаётган фикр-мулоҳаза ва таклифлар фракция аъзоларининг келгусидаги фаолиятлари учун асос бўлаяпти, — дейди фракция раҳбари А. Шодмонов.

Ҳақиқатан ҳам партиянинг қонунчилик борасидаги фаолиятига кўп нарса боғлиқ.

— Айниқса, партия электорати ва O`zLiDePнинг асосий таянчи бўлган қуйи бўғин — БПТ вакиллари томонидан илгари сурилаётган таклифлар якунланаётган 2006 йилдаги фракциямиз фаолиятини белгилаб берди, — дейди Абдурашид Жўрабоев. — Жойларда ташкил этилаётган бундай тадбирлар, жонли мулоқотлар, айниқса партия электоратини қизиқтираётган ва ечимини кутаётган муаммоларга алоҳида эътибор қаратилаяпти.

Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларини олий қадрият деб билаётган O`zLiDeP фракцияси янги — 2007 йилда ҳам ўз фаолиятини ана шу масалага қаратиш бўйича жиддий тадбирларни режалаштирмоқда. Сўнгги баҳони эса, шубҳасиз, сайловларда O`zLiDeP ғоялари учун овоз берган юртдошларимиз берадилар. Бунга шубҳа йўқ. Чунки имтиҳонга ажратилган яна бир йил билан хайрлашиш остонасида турибмиз.

ЖАРАЁН

ННТлар ва жамоат ҳаракатларисиз вакиллик демократиясини тасаввур қилиб бўлмайди

УЧИНЧИ СЕКТОР

ННТлар оиласи кенгаймоқда

ЎЗБЕКИСТОН НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН 40 ДАН ЗИЁД ЛОЙИҲАГА 170 МИЛЛИОН СЎМ МИҚДОРИДАГИ ГРАНТЛАР АЖРАТИЛДИ

Бугунги кунда дунёнинг қай бир ҳудудида кечаётган воқеа-ҳодисаларни таҳлил этмайлик, ана шу жараёнларда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг фаол иштирокига гувоҳ бўламиз. Юртимизда ҳам айни пайтда ННТлар фаолиятини ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш, жамият ҳаётидаги ўрни ва мавқеини янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Маълумки, 2005 йилнинг май ойида юртимизнинг барча ҳудудларидан ташриф буюрган 150 га яқин ННТ вакиллари ташаббуси билан Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси ташкил этилган эди, айни пайтда ана шу нуфузли ташкилот аъзолари сони 250 дан ошди.

■ Сайёра ТУРҒУНБОЕВА



— Дарҳақиқат, бугунги кунда ННТлар фаолиятини янада фаоллаштириш учун кенг имкониятлар яратилди, — дейди Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси директори Рифат Сарибоев. — Биргина ассоциациянинг якунланиб бораётган йилдаги фаолиятини сарҳисоб қилсак, ассоциация ва унга аъзо ННТлар томонидан салмоқли натижаларга эришилганини кўрамиз. Жумладан, республика миқёсида 20 дан ортиқ йирик лойиҳа, шунингдек, мамлакатнинг тоза ичимли сувга муҳтож ҳудудларини обиҳаёт манбаи билан таъминлаш ва аҳолининг кам таъминланган қатлами, яъни ногиронлар, меҳнатга лаёқатсиз кишилар, етим болаларни ижтимоий ҳимоялаш каби масалаларга бағишланган мақсадли лойиҳалар амалга оширилди.

Маълумки, истиқлол йилларида мамлакатимизда опа-сингилларимизнинг ижтимоий ҳимоясига алоҳида эътибор қаратила бошланди. Жумладан, ассоциациямиз томонидан "Тадбиркор аёл" дастури асосида аёллар ва ёшлар билан ишлашга йўналтирилган ННТлар орасида "Аёллар учун янги иш ўринларини яратиш" мавзуида қатор тадбирлар ўтказилди. Унда Самарқанд вилоятида фаолият юритувчи "Раҳмдиллик" нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан тақдим этилган "Ўзини ўзи рўёбга чиқариш йўли билан аёл ногиронларнинг жамиятга қўшилиши" лойиҳаси ғолиб деб топилди.

Бундан ташқари, ассоциация, Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва "Logos" нодавлат нотижорат ташкилоти ўзаро ҳамкорликда экологик йўналишдаги қатор тадбирларни, шунингдек, таълим ва ёшлар билан ишлаш соҳаларида ишлаб чиқилган лойиҳаларни амалга оширдилар. Шу ўринда Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотларни қўллаб-қувватлаш фонди фаолиятини алоҳида таъкидлаш жоиз. Масалан, фонд томонидан 2006 йилнинг март ойида эълон қилинган грантлар танловида 80 дан ортиқ лойиҳа иштирок этиб, уларнинг 19 таси умумий ҳисобда 73 млн. сўм миқдоридаги маблағ билан таъминланганини бу борадаги реал имкониятларни кўрсатади. Кейинги танловда эса бирданига 140 дан ортиқ ННТ иштирок этди ва энг яхши деб топилган лойиҳаларга 100 млн. сўм миқдорида маблағ ажратилди. Шу йил ноябрь ойида эълон қилинган учинчи танловда эса яна 100 га яқин лойиҳа қабул қилинди ва айни пайтда улар ижрочи гуруҳ томонидан ўрганиб чиқилмоқда. Умумий ҳажмда эса ҳозирги кунгача ассоциация томонидан энг яхши деб топилган 40 дан зиёд лойиҳа 170 млн. сўм миқдоридаги маблағ билан молиялаштирилди.

Келгусидаги режалар ҳақида сўз борганда, кириб келаётган 2007 йилда амалга оширилиши кутилаётган энг йирик лойиҳалардан бири — БМТнинг Тараққиёт дастури, ЕХҲТ ва Жаҳон банки каби ҳамкорларимиз билан ўтказилиши режалаштирилган лойиҳаларни тилга олиш мумкин. Бундан ташқари, айни пайтда Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида бевосита ёшлар билан ишлаётган 14 та марказ сафига яна 5 та информацион ресурс марказининг қўшилиши кутилмоқда. Айтиш жоизки, мамлакатимизнинг энг чекка қишлоқларида жойлашиши режалаштирилган мазкур марказларда иқтидорли, салоҳияти кучли ёшларга ҳар томонлама ёрдам бериш, уларни қўллаб-қувватлаш кўзда тутилаяпти.

Янги — 2007 йил бошида эса миллий ассоциация томонидан ННТ вакилларини ўқитиш, уларнинг кўникмаларини янада ривожлантириш мақсадида қатор ўқув марказлари фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилган. Бундай марказларда ННТ вакилларининг ушбу тизим ҳақидаги билим ва кўникмалари оширилади. Бунинг учун барча услубий қўлланмалар, керакли адабиётлар билан таъминлаш ҳамда интернет тармоғига уланиш кўзда тутилган. Шу билан бирга келгусида ассоциацияга аъзо барча ННТлар билан доимий алоқада бўлиш учун уларга электрон почта, интернет тармоғи ўрнатилиши режалаштирилган.

Яна бир қувончли хабар шуки, келгуси йилдан бошлаб давлат бюджетидан Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциациясига маблағ ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда мамлакатимизда ННТлар тўлақонли фаолият юритишлари учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Демак, янги йилда бу тизимда катта ижобий ўзгаришлар рўй беради, дейишга тўлиқ асосимиз бор.

Мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат аҳамиятига молик масала бўлиб, кейинги йилларда ушбу соҳа эгаларини ижтимоий ҳимоялашга доир ҳукумат қарорларининг эълон қилинганлиги, улар фаолиятига эркинликлар берилгани боис юртимизда тадбиркорликнинг янада ривожланишига кенг йўл очилди.

Қонунни четлаб ўтиб, узоққа бориш мушкул

■ Акром МАҲМУДОВ

Аммо беш қўл баробар эмас деганларидек, орамизда тадбиркорликни ўзича "тушунадиган" шахслар аҳён-аҳёнда бўлса-да, учраб туради. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятлар ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти Тошкент шаҳар бошқармасининг Бектемир туман бўлими ходимлари Вазирлар Маҳкамасининг 154, 407 ҳамда 387 сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида ўтказган текширувлари давомида ана шундай қонунбузарликларни аниқлади.

Хусусан, фуқаро А. Қорабоев бошқарувидаги "ГАЗ-24" русумли, давлат рақами 17J 3947 ҳамда фуқаро Р. Зокиров бошқарувидаги давлат рақами 17Q 6938 бўлган автомашиналар тўхтатилиб, холислар иштирокида кўздан кечирилганда, юкхонаси ҳамда салонида ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаган, чет элда ишлаб чиқарилган турли хил товар-моддий бойликлар борлиги аниқланди. Ушбу уй-рўзғор буюмлари фуқаро Р. Мирзакамоловага тегишли бўлиб, у Андижон вилоятидаги "Жаҳон бозори"дан сотиб олинган ҳамда "Чилонзор буюм бозори"да сотиш учун келтирилаётган экан. Натижада 2 миллион 884 минг сўмга баҳоланган, ҳужжатсиз, 11 турдаги моллар давлат фойдасига мусодара этилди.

Давлат рақами 17Р 8710 бўлган В. Тўйчиев бошқарувидаги "Нексия" русумли автомашина ҳам манзилига ета олмади. Чунки ушбу автоулов юкхонаси ҳамда салонида ҳам худди юқоридагидек ҳолатга дуч келинди: 500 та болалар кўйлаги, 37 та одеял, 16 та рулон кремплин мато, 2 та рулон велюр мато ҳеч қандай ҳужжатларсиз олиб келинаётган экан. Фуқаро Асалхон Рахматуллаева ҳам "ҳамкасб"и сингари тузоққа тушди ва ЎзМЖТКнинг 176-моддаси 3-қисмида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдор деб топилиб, маъмурий жавобгарликка тортилди.

Алқисса, қонун - барча учун баробар. Уни ҳурмат қилиш, талабларига бўйсунишни асло унутмаслигимиз зарур. Зеро, қонунни четлаб, узоққа бориб бўлмайди.

Акром МАҲМУДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси Бектемир туман бўлими катта суриштирувчиси.

Озуқа етарли бўлади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартда қабул қилинган «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларда чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ "Ўздонмаҳсулотлари" акциядорлик компаниясининг Жиззах вилоятидаги корхоналари ҳузурида 15 та омухта ем тарқатиш шохобчаси ташкил этилди.

■ Т.БЕКНАЗАРОВ, ЎзА мухбири

Вилоятда чорва туёқлари сони бир ярим миллиондан ошди. Кейинги бир йилда фермер хўжаликлари ва аҳоли қаровидаги чорва моллари сони кескин кўпайгани туфайли озуқага бўлган эҳтиёж янада ортди. Шунинг учун омухта ем ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва унинг савдосини йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

"Дўстликдонмаҳсулотлари" акциядорлик жамияти ўтган йили 13,2 тонна омухта ем тайёрлаган эди. Бу йил эса, талабдан келиб чиқиб, чорвачилик хўжаликларига ўн бир ойда 25 минг тонна озуқа етказиб берилди.

— Шахсий ёрдамчи хўжаликларга қулайлик яратиш мақсадида жойларда дўконлар ҳам очилган, — дейди корхона бош иқтисодчиси Ўктам Номозбоев. — Ҳозирги кунда Дўстлик туманида учта, Мирзачўл ва Жиззах шаҳарларида биттадан омухта ем дўконлари ишлаб турибди. Йилнинг ўтган даврида бу дўконлар орқали 5 минг тонна чорва озуқаси сотилди.

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ

Бирорта мулк эгасиз қолмайди

БУНИНГ УЧУН ЭСА МАМЛАКАТИМИЗДА КЕЧАЁТГАН ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ЯНАДА ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЛОЗИМ

Жорий йилнинг ўзидагина мамлакат Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги 335 сонли ҳамда "2006-2008 йилларда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш тўғрисида"ги 407 сонли қарорлари қабул қилиндики, бу ҳужжатлар эндиликда иқтисодий ислоҳотларни ўтказишга мутасадди идоралар учун ҳаракат дастури бўлиб қолди. Тарихга айланаётган 2006 йилда Фарғона вилоятида ҳам мана шу қарорлар ижросини таъминлаш йўлида муайян ишлар амалга оширилди. Мухбиримизнинг Давлат мулки қўмитаси Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Ҳошимжон ҲАЙДАРОВ билан суҳбати йил натижаларига бағишланди.

■ Малоҳат ЙЎЛДОШЕВА суҳбатлашди

— Юртбошимизнинг 2006 йил 10 июлдаги "2006-2008 йилларда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини чуқурлаштириш тўғрисида"ги қарорига асосан вилоятимиздан 146 та корхона ва объект, давлат акция пакетлари ва улушлари киритилган эди. Шундан 23 тасини давлат тендер комиссияси орқали сотиш белгиланган. Ҳозирги кунга қадар 56 та корхона ва объект давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусийлаштирилди. Бошқача айтганда, 2006 йил режаси ортиғи билан адо этилди. Жумладан, "Кварц" акциядорлик жамиятининг 53 фоиз давлат пакети тендер комиссияси орқали 2,5 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиш шарти билан 4,4 миллион АҚШ долларига Американинг "Carlton Group LLC" компаниясига сотилди.

Юқорида тилга олинган қарорда 11 та корхона ва объектни инвестиция киритиш шарти билан инвесторларга бепул бериш кўзда тутилган. Ҳозирги кунда шулардан 10 таси бўйича тендер комиссиясининг 2006 йил 7 октябрда бўлиб ўтган мажлиси қарорига мувофиқ жорий йилнинг 20 декабрь ва янги йилнинг 5-15 ва 25 январь кунлари танлов савдоларини ўтказиш белгиланган.

Танловнинг юқори савияда ўтказилишини таъминлаш мақсадида бошқармамиз томонидан маҳаллий ва марказий газеталарда эълонлар берилди, Фарғона вилоят телевидениеси билан биргаликда реклама роликлари тайёрланиб, мунтазам равишда эфирга узатилмоқда.

Шуни ҳам айтиш керакки, хусусийлаштириш жараёнларининг боришида айрим суиистеъмолликларга ҳам йўл қўйилгани маълум бўлди. Жумладан, Қува туманидаги пахтани қайта ишлаш заводига қарашли "Оқ олтин" ошхонаси ҳудудий бошқармасининг 2006 йил 17 июль куни чиқарилган 46 сонли олди-сотди шартномасига асосан 13010,79 минг сўмга сотилган эди. Сотиб олувчи томонидан мазкур объектда талон-торожликлар амалга оширилгани учун бошқарма вилоят прокуратурасига тегишли ҳужжатларни тақдим этди, ўша харидорга нисбатан ҳозирги пайтда жиноят иши қўзғатилди.

20 декабрь куни ўтказилган тендер савдоларида 10 та корхона ва объектдан 8 таси инвестиция киритиш шарти билан бепул берилди. Иккитасига талабгорлар томонидан ариза тушмаганлиги боис кейинги савдоларга қайта қўйиладиган бўлди.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш эвазига барча манбалардан вилоят бўйича 1 декабрь кунига маблағлар тушумининг истиқбол режаси 1398,3 миллион сўм этиб белгиланган эди. Амалда режа 7550,2 миллион сўм миқдорида ёки 5,4 баробар кўп бажарилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 26 августдаги "Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналари ва объектларини хусусийлаштиришни жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 209 сонли ҳамда Президентнинг 2005 йил 14 мартдаги "2006-2007 йиллар давомида давлат корхона ва объектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида"ги 29 сонли қарорларига асосан вилоятимиз бўйича жами 1245,4 миллион сўм миқдорида инвестиция киритиш шарти билан 41 та корхона ва объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич пасайтириб сотилди ёки бепул берилди.

Бир сўз билан айтганда вилоятимизда хусусийлаштириш жараёнлари жадал олиб борилаяпти. 11 та корхона ва объектга инвесторлар томонидан киритилган жами 137,8 миллион сўмлик инвестиция мажбуриятларини ҳозирги кунда якуний баҳолаш ва қабул қилиш ишлари олиб борилмоқда. Қолган 7 та корхона ва объект бўйича 342 миллион сўмлик инвестиция мажбуриятлари белгиланган муддатларда амалга оширилмоқда.

Йил охирлаётган ва натижалар сарҳисоб қилинаётган шу кунларда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш соҳасида тузилган режалар муваффақиятли уддаланиб, келаси йил учун янги вазифалар белгилаб олинаяпти. Янги йил режалари эса янада катта эканлигини алоҳида таъкидлашни истардим. Бу жараён изчил давом этаверади. Мақсадимиз битта: бирорта ҳам мулк эгасиз қолмаслиги, токи бу мулклар ватан равнақи, элюрт фаровонлигига хизмат қилиши бунинг учун эса ўзининг ҳақиқий эгалари — тадбиркор ва ишбилармонлар қўлига ўтиши керак. Ана шундагина мамлакатимиз иқтисодиёти янада юксалиб, истеъмол бозори харидорбоп, сифатли маҳсулотларга тўлиб бораверади, экспорт салоҳиятимиз кучаяди.

АСЛИДА серҳиммат бўлган кишилар ҳеч вақт керилмайдилар

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

САХОВАТ

Мурувватли эл аҳил бўлади

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ШЎРЧИ ТУМАНИДА O`ZLIDEPНИНГ 2000 ДАН ЗИЁД АЪЗОСИ 26 ТА БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТГА БИРЛАШГАН ҲОЛДА ФАОЛИЯТ ЮРИТМОҚДАЛАР. АЪЗОЛАРНИНГ 60 ФОИЗИНИ ТАДБИРКОРЛАР ВА ФЕРМЕРЛАР ТАШКИЛ ЭТАДИ.

Улар ўтаётган йилни яхши натижалар билан якунламоқдалар. Партия туман кенгашининг Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан амалга оширган тадбирлари кам таъминланган оилалар, ногиронлар, қаровчисиз ва пенсионерлар қалбида бир умрга муҳрланиб қолди.

Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ, «XXI asr» мухбири



— Ўтаётган йил турли учрашув, хайрия тадбирларига бой бўлди, — дейди O"zLiDeP туман кенгаши ва "Шўрчи дон маҳсулотлари" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси У.Бердимуродов. — Юртбошимиз ташаббуси билан 2006 йил "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб эълон қилингач, партиядошларимиз бу савоб саъй-ҳаракатни бир овоздан қўллаб-қувватлашди ва ҳомийлик ёрдами кўрсатишга эътиборни кучайтиришди. Туман кенгаши турли байрам ва шодиёналар муносабати билан ўтказилган спорт ва маданий тадбирларда фаол иштирок этиб, кам таъминланган оилалар, ногиронлар, қаровчисиз ва нафақахўрларни, беллашув ғолибларини совға ва совринлар билан рағбатлантириб борди.

Масалан, ўтаётган йилда партиянинг туман кенгаши боқувчиси йўқ, пенсиядаги кекса ўқитувчи Татъяна Яковлевнанинг уйини тўлиқ таъмирлаб берди, телевизор совға қилди. Беш нафар фарзандни тарбиялаётган, турмуш ўртоғи ногирон Ойқиз Шосинова қалбида Ҳомийлар ва шифокорлар йили бир умрга муҳрланиб қолди. Бу йил ушбу оила аъзолари партия кўмагида барча шароитларга эга уйда истиқомат қила бошладилар. Йил давомида партия фаоллари тумандаги кам таъминланган оилалардан 12 тасига бир бошдан соғин сигир олиб беришди.

Шу йил баҳор фаслида Шўрчи туманида яна битта эзгу иш амалга оширилди. Май ойида "Ёшлар — терроризм, диний экстремизм ва гиёҳвандликка қарши" шиори остида форум ўтказилди. Унда маҳаллий ва пойтахтдан келган бир гуруҳ санъаткорлар хайрия концертини намойиш этишди. Тумандаги мактабларни аъло баҳоларга тугатаётган 35 нафар ўқувчига туман партия кенгашининг қимматбаҳо совғалари топширилди. Шўрчилик Р.Негматованинг соғлиғини тиклаши учун молиявий кўмак берилди. Термизлик кўзи ожиз С.Жумақулов, ёлғиз аёл Г.Маматқулова, жарқўрғонлик кўзи ожиз фуқаро, биринчи гуруҳ ногирони Х.Чоршанбиев ҳам партиянинг мурувват ёрдамидан миннатдор бўлишди.

— Ўтаётган йилда кенгашимиз томонидан бундай хайрли тадбирларни ўтказишга жиддий эътибор қаратилди, — дейди туман партия кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Абдухалил Дониёров.

Эл ишончини оқлаб, мамлакат сиёсий майдонида далил одим ташлаётган сафдошлар 2006 йил туман марказида бир неча йилдан буён қаровсиз қолган истироҳат боғини тўлиқ таъмирлашни ўз зиммаларига олишди ва шу йилнинг ўзида бу ерда катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишларини амалга оширишди. Партия кўмаги билан истироҳат боғи яна шўрчиликларнинг энг севимли дам олиш масканларидан бири бўлиб қолди.

Республика Президенти ташаббуси билан янги йил "Ижтимоий ҳимоя йили" деб номланган шўрчилик O`zLiDePчиларни амалга оширилаётган мурувват ёрдамларини, хайрли ишларини давом эттиришга ундади. Яқинда тумандаги 68 ва 122-махсус мактаб-интернатларида таълим-тарбия олаётган 451 ўқувчига "Шўрчи дон маҳсулотлари" АЖ бошқаруви билан ҳамкорликда қишки кийим-бош ва пойафзал ҳадя қилинди. Акциядорлик жамияти бир йўла 68-махсус мактаб-интернат ўқувчилари учун қарийб 15 млн. сўм маблағ сарфлаб, замонавий тиббиёт хонаси қуриб берди.

— Бундай ҳомийлик учун партия ва акциядорлик жамияти раҳбарларидан бир умрга миннатдормиз, — дейди мактаб-интернат директори Мадина Чориева. —Янги йил арафасида кўрсатилган беғараз ёрдамдан болаларимизнинг боши осмонга етди. Замонавий тиббиёт хонаси эса уларнинг саломатлигини тиклаш учун хизмат қила бошлади.

Мавриди келганда, яна бир нарсани айтиш керак: O"zLiDeP аъзолари фаолият юритаётган "Шўрчи дон маҳсулотлари" АЖ ҳам ўтаётган йилни яхши кўрсаткичлар билан якунламоқда. 2006 йилда илғор корхонада 121 минг 967 тонна буғдой қайта ишланди. Қарийб 96 минг тонна биринчи навли ун ишлаб чиқарилди. 52 тонна нон ва қандолат маҳсулотлари тайёрланди. 242 тонна макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, буюртмачиларга етказиб берилди. Корхонада омихта ем ишлаб чиқариш режаси ҳам ортиғи билан уддаланди. 44179 тонна ун хорижга экспорт қилинди. Хорижда ишлаб чиқарилган технология билан таъминланган полипропилен қоп ишлаб чиқариш цехида 407 млн. 414 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди. Ғаллакорларга қарийб 9 минг тонна уруғлик дон етказиб берилди.

Шундай қилиб, корхона жамоаси 23 млрд. 24 млн. сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарди. Айни пайтда акциядорлар жорий йилни муваффақиятли якунлаб, янги йилни дадил одимлар билан бошлаш тадбирларини ишлаб чиқмоқдалар.

КАСАНАЧИЛИК

Дўстлик туманида кўплаб замонавий корхоналар фаолият юритмоқда. "Дўстлик дон маҳсулотлари" корхонаси ана шулардан биридир. Яқинда бу ерда Республика Президентининг "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросига бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди.

Фармон ижроси йўлида

Аъзам ХЎЖАҚУЛОВ, «XXI asr» мухбири

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вилоят бош бошқармаси ташаббуси билан ўтказилган мазкур тадбирда 40 га яқин корхона вакиллари иштирок этишди.

Тадбирни туман ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Маҳмуд Холбўтаев кириш сўзи билан очди. Вилоят ҳокимининг ўринбосари Бўрибой Қаландаров кун тартибидаги масала юзасидан маъруза қилиб, касаначиликни ривожлантириш истиқболлари, бу борадаги мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш омилларига тўхталди. Таъкидландики, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятда 3093 киши касаначилик билан шуғулланган. Йил охиригача улар сонини 3161 нафарга етказиш кўзда тутилмоқда.

Биргина "Дўстлик дон маҳсулотлари" акциядорлик жамияти айни кунда 187 нафар касаначи билан шартнома асосида иш олиб бормоқда. Улар учун барча шарт-шароит яратиб берилган. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг масъул ходими Умарали Султонов касаначилик соҳасидаги тажрибаларни оммалаштириш, иш ҳақи тўлаш, солиқ ва мониторинг хизматини ташкил этишга оид фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Кун тартибидаги масала юзасидан "Дўстлик дон маҳсулотлари" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси А. Мамадиев, бош иқтисодчи Ў. Номозбоев, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вилоят бош бошқармаси С. Алмалидова ва бошқалар сўзга чиқишди.

Ошкоралик ва ишчанлик руҳида ўтган тадбир тўпланганларда катта таассурот қолдирди.

САРМОЯ

Жаҳон бозорига йўл

2006 ЙИЛДА ҲАМ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯСИНИ ЖАЛБ ЭТИШ ОРҚАЛИ ЯНГИ КОРХОНАЛАР ТАШКИЛ ЭТИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛГАНИ БОИС, БУГУНГИ КУНДА 57 ТА ҚЎШМА КОРХОНА ФАОЛИЯТ ЮРИТМОҚДА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини таъминлаш маҳаллий хом ашёни қайта ишлаб, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқдир. Бу биргина Қашқадарё вилояти мисолида ҳам яққол кўзга ташланиб турибди. Боиси - кейинги йилларда воҳа иқтисодиётини янада юксалтириш мақсадида хорижий инвестициялар иштирокидаги бир неча йирик қўшма корхона ташкил этилди. Натижада вилоят иқтисодиётида нодавлат секторнинг улуши кескин ортиб, у асосий ишлаб чиқарувчига айланди. Айни пайтда вилоятда 57 та қўшма корхона ишлаб турибди. Тайёрланаётган маҳсулотнинг муайян қисми хорижга экспорт қилинмоқда.

Баходир ЖАМОЛОВ, Қашқадарё вилоят Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармаси бошлиғи

Чет эл инвестициясини жалб этиш орқали янги корхоналар ташкил этишга якунланаётган йилда ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хорижлик ҳамкорлар иштирокида 5 та — "Al-Aziz Garant", "Шўртангаз- маҳсулот" Ўзбекистон-Швейцария-Британия, "Ғузортекс" Ўзбекистон-Латвия, "ZTE Investmenr" Ўзбекистон-Хитой масъулияти чекланган жамиятлари, "Qarshi Mahprjduct" Ўзбекистон-Британия қўшма корхонаси ташкил этилди. Айни пайтда ушбу корхоналарда 5395 нафар киши меҳнат қилаётир. Жорий йилда улар томонидан 89,5 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, хизматлар кўрсатилди.

Пахтани қайта ишлашга ихтисослаштирилган қўшма корхоналар сони йил сайин кўпаяётганлиги воҳа иқтисодиётини юксалтириш, аҳолини иш билан таъминлашда алоҳида ўрин тутмоқда. Масалан, Қарши шаҳрида фаолият кўрсатаётган "Cotton-Poad" Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасида 2,5 млрд. сўмлик енгил саноат маҳсулотлари, "Оқсарой тўқимачи ЛТД" Ўзбекистон-Туркия-Япония қўшма корхонасида 6 млрд. сўмлик ип калава ишлаб чиқарилиб, 90 фоизи хорижга сотилди. "Шаҳри Кеш" қўшма корхонаси 1,5 млрд. сўмлик, "Мевалар камалаги" Ўзбекистон-Британия қўшма корхонаси эса 110 млн. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларини жаҳон бозорига олиб чиқди. Тадбиркорлар Ғофур Амиров раҳбарлик қилаётган Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасида илк бор уяли телефон аппаратлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Вилоятимиз — нефть ва газ заҳираларига бой. Уларни қазиб олиб, истеъмолчиларга етказишда ҳам қўшма корхоналар фаол иштирок этаётир. Муборакдаги "Кўкдумалоқгаз", Ғузордаги "Гиссарнефтгаз" Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхоналари томонидан 50 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилди. Нефть ва газ маҳсулотларини қайта ишлаб, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштириладиган корхоналар очиш мақсадида бўлажак ҳамкорлар билан музокаралар олиб борилаяпти.

Бугунги кунда Қашқадарёда юзлаб мева-сабзавот ва узумчиликка ихтисослашган агрофирма ва фермер хўжаликлари фаолият кўрсатаяпти. Улар томонидан етиштирилаётган маҳсулотларни қайта ишлаб, жаҳон андозалари даражасида қадоқлашни йўлга қўйиш имкониятлари қидирилаяпти. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 9 январдаги "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда 11 январдаги "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида вилоятда маҳсулот етиштириш ҳажмини кескин ошириш, уни комплекс равишда қайта ишлашни йўлга қўйиш орқали зарур экспорт базасини шакллантиришга асос солинди. Жорий йилда 4,5 млрд. сўмлик мева-сабзавот ва узум маҳсулотларининг хорижга чиқарилганлиги бунинг яққол исботидир. Келажакда вилоятнинг тоғолди туманларида мева-сабзавот ва узумни қайта ишлашга мўлжалланган қўшма корхоналар ташкил этиш олдимизда турган энг долзарб вазифалардан биридир. Айни пайтда ушбу йўналишда махсус дастур асосида иш олиб бораяпмиз.

Биргина 2007 йилнинг ўзида 9 та корхонага хориж инвестицияларини жалб этишни режалаштирганмиз. Қашқадарё — ҳизир назари тушган гўша. Вилоятда хом ашё ресурслари, ер ости ва ер усти бойликлари мўл. Уларни қайта ишлашни йўлга қўйиш мақсадида тинимсиз изланяпмиз. Яқинда қўшма корхоналаримиз сафига яна ўнлаб янгилари қўшилиши ва вилоятимиз иқтисодий салоҳияти янада кучайиши шак-шубҳасиздир.

ЎҚУВ

«Ёш лидерлар мактаби» иш бошлади

Мактаб унинг асосий вазифаси ёшларни Ватанга муҳаббат, эзгу анъаналарга садоқат руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиш, улар орасидан ғоявий етук, юксак эътиқодли кадрларни камол топтиришдан иборатдир

Ш. РАЗЗОҚОВ, O`zLiDeP Хоразм вилоят кенгаши қошидаги Сиёсий таълим маркази раҳбари

O`zLiDeP Хоразм вилояти кенгаши қошидаги Сиёсий таълим марказида ушбу мактабининг дастлабки машғулотлари бошланди.

Унга асосан етакчилик қобилиятига эга бўлган фидойи, ташаббускор ёшлар жалб этилган. Тингловчиларнинг билим ва лаёқати махсус тест саволлари асосида синовдан ўтказилади.

Урганч давлат университети, Тошкент тиббиёт академияси ва Тошкент ахборот технологиялари университетининг Урганч филиалларида таҳсил олаётган 2568 нафар талаба орасидан 500 нафари танлаб олиниб, улардан алоҳида гуруҳлар ташкил этилди. Бўлиб ўтган семинар-тренингларда биринчи гуруҳ аъзолари фаол иштирок этдилар ва белгиланган мавзу юзасидан кенг тушунча олдилар.

Ўқув доирасида ёш лидерлар тўғрисида ҳикоя қилувчи видеофильмни суратга олиш, амалий машғулотлар ўтказиш, талабалар томонидан тайёрланган мақолаларни маҳаллий ҳамда республика газеталарида чоп этишда яқиндан ёрдам кўрсатиш ҳамда уларнинг танловини ўтказиш кўзда тутилмоқда.

Машғулотлар 2007 йил май ойигача давом этади.

ИСЛОҲОТ

МУЛК ўз эгасини топгандагина кутилган натижага эришилади

ТАДБИРКОРЛИК

Касаначилар

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ЙИЛИНИ ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН ҚАРШИ ОЛМОҚДАЛАР

Фарғона водийси қадим-қадимдан ўзининг мўътадил иқлимига кўра Марказий Осиёнинг ипак хом ашёси етиштиришга жуда қулай ҳудудларидан бири ҳисобланади. Қарийб 2000 йилдирки, бу минтақада қурт боқилиб, етиштирилган пилладан ипак толалар ишлаб чиқарилади, гўзал ва бетакрор миллий газламалар тўқилади.

■ Алижон МИРЗАБОЕВ

Марғилон шаҳридаги "Ёдгорлик" корхонаси ҳозирги кунда ўзига хос анъанавий ишлаб чиқариш йўналишлари билан кўпчиликка танилган. Дастлаб кичик тажриба устахоналари сифатида ташкил топган совғабоп буюмлар шохобчаси кейинчалик йирик ишлаб чиқариш корхонасига айланди.

Ёш раҳбар Аъзамхон Абдуллаев тадбиркорлик билан иш тутганлиги туфайли корхона бугунги кунда юксак мавқега эришди. Малакали мутахассисларни топиб, жой-жойига қўя билган моҳир ташкилотчи шаҳар, вилоят, республика, қоларверса, собиқ иттифоқ республикалари орасида шуҳрат топиши, чет элликларнинг эътиборига тушиши осон гапми?

Сўнгги ўнйилликда мазкур корхона ажойиб сайёҳлик марказига айланганлиги ва кўплаб давлатларнинг расмий вакиллари бу ерга ташриф буюраётганликлари бежиз эмас.

Илгари хонатлас ва беқасам ишлаб чиқариш билан кифояланиб келган корхона ҳозирги кунда, кичикроқ ҳажмда бўлса-да, турли хил ассортиментдаги халқ ҳунармандчилиги ва кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи йирик мажмуага айланди. Бу ерда ҳозирги пайтда тўқилаётган газламаларнинг кўпгина турлари, шунингдек, тикувчилик, гиламчилик устахоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар қатор хорижий мамлакатларга, жумладан, АҚШ, Буюк Британия, Франция, Бельгия, Исроил, Ливан, Япония, Австралия, Африка давлатларига ҳам етиб борди. Қатор мамлакатлардаги нашриётларнинг Марказий Осиё ва Ўзбекистонга бағишланган тўпламларида корхона ҳақида алоҳида маълумот берилганлиги ҳам унинг халқаро обрўйи баландлигидан далолатдир.

— Корхонамизда 400 нафар доимий ишчи ва 150 нафар касаначи меҳнат қилаяпти, — дейди корхона раҳбари Аъзамхон Абдуллаев. — Президентимизнинг "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони фаолиятимизда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Тўқувчилик, тикувчилик, гилам ва пиллакашлик цехларимизнинг Юсуфжон Мамаюсупов, Ҳалимжон Зокиров, Кристина Коваленко, Алишер Мирфаёзов сингари ишчи-хизматчилари жамоамиз фахри ҳисобланишади. Ўз режаларини ортиғи билан адо этиб келаётган Мухтасархон Умрзоқова, Қумрихон Маткаримова, Гулбаҳор Мамажонова, Ёқутхон Отажонова ва бошқалар бугунги кунда устозлик мақомига эришган қўлигул ишчилардир. Якунланаётган йилда 400 млн. сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқардик. Куникеча эса россиялик харидорлар билан 200 млн. сўмлик маҳсулот етказиб бериш ҳақида шартнома имзоладик. Бундан ташқари, шаҳардаги "Бахмал" ишлаб чиқариш корхонаси билан ҳамкорликда 54 та оилага "Чайка" русумли тикув машиналари олиб бердик. Табиийки, улар билан меҳнат шартномаси туздик. Шундай қилиб, касаначилар сони эндиликда икки баробар ортди. Ишчи ва хизматчиларимиз учун барча қулайликлар яратилган. Уларни ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлаш доимий диққат-эътиборимизда. Бу эса ўз навбатида меҳнат унумдорлигининг ошишига ёрдам бермоқда.

ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИ

Имкониятлар янада кенгаймоқда

Мамлакатимизда фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиш орқали қишлоқда мулкдорлар синфини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ана шу эътибор самараси ўлароқ, фермерлар бугун қишлоқ хўжалигида ҳал қилувчи кучга айланди. Фермерлик ҳаракати бошланган дастлабки йилларда унинг келажагига шубҳа билан қараганлар ҳам, бу ишни мўмай пул топиш манбаи деб, соҳага адашиб кириб қолганлар ҳам бўлди. Чунки фермернинг иши, бир қарашда, жуда оддий ва осон кўринади: ер олиб, экин экасану, ҳосилини йиғиштириб олаверасан. Аслида бу жараён катта заҳмат ва сабр-тоқат талаб қилади. Ўтган йилларда соҳа тасодифий "фермерлар"дан асосан халос бўлди, дейиш мумкин.

■ Сайёра ШОЕВА

Бундай қулайликлар фермерлар иқтисодий имкониятларини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда. Эндиликда фермерларимиз нафақат хом ашё етиштирувчи, балки тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи замонавий тадбиркор сифатида ҳам шаклланиб бормоқда. Бундай жараёнда илғор технологияларга эҳтиёж сезилиши табиий. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан шу йил кузда пойтахтимизда ташкил этилган ва доимий ишлаётган қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг ихтисослашган халқаро кўргазма-савдоси фермер хўжаликларига бу йўналишдаги эҳтиёжларини қондириш имконини яратди. Шу кунгача мазкур тадбирда мамлакатимизнинг минглаб фермерлари иштирок этиб, замонавий технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этган деҳқон ва фермерлар божхона тўловларидан озод қилингани уларнинг ишига қанот бағишламоқда.

Юртбошимизнинг тегишли фармонлари ва қарорларига биноан деҳқон ва фермер хўжаликлари учун кўплаб имтиёзлар яратилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январда қабул қилинган "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига кўра узумчилик ва боғдорчилик йўналишидаги фермер хўжаликлари беш йил, бошқа турдаги фермер хўжаликлари икки йилга ягона ер солиғи тўлашдан озод этилди. Фермер хўжаликларини минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари, техника воситалари билан таъминлаш, уларга имтиёзли кредит ажратиш сингари масалаларига ҳам устувор вазифа деб қаралмоқда.

Бугун фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларнинг ташкил этилганлиги муваффақиятларни таъминлашда асосий омил бўлаяпти. 2006 йилнинг ўзида қишлоқ мулкдорларига 975 та минибанк, 1534 мубоқил МТП, 882 та минирал ўғит ва 1117 та ёнилғи қуйиш шахобчалари, 1301 та сувдан фойдаланувчилар уюшмалари хизмат кўрсатди. Мавжуд 720 та ахборот таъминоти ва консалтинг хизмати марказларида эса фермерларга зарур маълумотлар етказиб берилди.

Бундай қулайлик ва имтиёзлар самарасида мамлакатимизда фермерлик ҳаракати тобора кенг қулоч ёймоқда. Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, ҳозир юртимиздаги фермер хўжаликлари сони қарийб 190 мингга етган. Уларга тегишли ер майдони эса салкам беш миллион гектарни ташкил этади. Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмасидан маълум қилишларича, жорий йилда мамлакатимизда етиштирилган пахта ва ғалланинг 80-85 фоизи, картошканинг 96, гўшт ва сутнинг эса 97 фоизи фермерлар ҳиссасига тўғри келди.

Бу эса фермерларимиз иқтисодий жиҳатдан катта кучга айланаётганидан далолатдир.

— Фермерлик фаолиятимни 1992 йилда бошлаган эдим. Шундан буён муайян қийинчиликларни енгиб ўтишга тўғри келди, — дейди Самарқанд вилояти, Пастдарғом туманидаги "Беш бола" фермер хўжалиги раҳбари Вафоқул Каримов. — Бу, албатта, табиий жараён. Дастлаб олти гектар ер ва 16 бош қорамолимиз бор эди. Ўтган йиллар мобайнида тажриба ва малакамиз ошди. Ўзимизни ҳар томонлама ўнглаб олдик. Эндиликда қарийб 30 гектар ер ва салкам 300 бош қорамолимиз бор. Юртимизда қишлоқ мулкдорлари учун янгидан-янги имконият, қулайлик ва имтиёзлар яратилаётгани бизни янги марралар сари руҳлантирмоқда.

— Фермер, аввало, ўзи қўл урган соҳани пухта билиши, ҳисоб-китобни ўрнига қўя олиши, ҳуқуқий савиясини бойитиб бориши зарур, — дейди Сурхондарё вилояти, Денов туманидаги "Баҳриддин" фермер хўжалиги раҳбари Баҳром Дилов. — Бугунги кунда деҳқончилик билан бирга ўзимиз етиштирган маҳсулотни қайта ишлаш билан ҳам шуғулланаяпмиз. Биз ишлаб чиқараётган пишлоқ ва колбаса маҳсулотларига талаб катта. Бу эса даромадимизни оширмоқда. Аммо фақат шахсий манфаатини кўзлаб, фермерликка қўл урган одамнинг келажаги йўқ. Фаолиятимизнинг кенгайиши натижасида саксондан зиёд ҳамқишлоғимиз ишли бўлди. Ўрта ҳисобда ҳар оилада тўрт нафар одам яшаса, демак, 320 жоннинг насибаси фермер хўжалигимизга боғланибди. Шуларни ўйласам, қилаётган ишларимиздан фахрланиб кетаман. Давлатимиз раҳбарининг биз, фермерларга доимий ғамхўрлиги эса кучимизга-куч, ғайратимизга-ғайрат қўшмоқда.

Хусусан, Президентимиз Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Андижон вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида вилоятдаги кам рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган хўжаликлар, агрофирмалар ўрнида фермер хўжаликлари ташкил этиш борасидаги ишларга танқидий баҳо бериши нафақат Андижонда, балки республикамизнинг бошқа вилоятларида ҳам соҳада туб бурилишлар ясаш имконини беради.

Айни пайтда вилоятда 65 та ширкат хўжалигини тугатиш билан боғлиқ саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилган. 11 та туманда 1775 та лойиҳа бўйича тендер танлови ўтказишга жиддий тайёргарлик кўрилмоқда. Мутахассислар танловлар асосан Избоскан, Олтинкўл, Шаҳрихон ва Балиқчи туманларида бўлиб ўтишини алоҳида таъкидламоқдалар. Бир сўз билан айтганда, 58 минг 357 гектар суғориладиган ер, 2 минг 547 гектар боғ, 402 гектар токзор, 1 минг 467 гектар тутзор том маънода ҳақиқий эгалари қўлига топширилади.

Ҳа, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида орттирилган тажриба фермер хўжаликларининг илгариги колхоз ва совхозларга нисбатан самарадорлиги катта эканлигини исботлади. Шу боис бу борадаги ишлар 2007 йилда ҳам изчил давом эттирилади. Президентимизнинг жорий йил 21 ноябрда қабул қилинган "2007 йилда қишлоқ хўжалик корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида 329 та қишлоқ хўжалик корхонасини фермер хўжаликларига айлантириш кўзда тутилган. Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, қишлоқда бозор инфратузилмаларини янада кучайтиришга қаратилган ушбу қарорнинг ижросини таъминлаш борасидаги ишлар изчил давом этмоқда.

Буларнинг барчаси халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришни кўзлаб, изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарасидир.

«XXI ASR» ХАТ КЎТИСИДАН

СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ!

Жавобларни Баҳодир АКРАМОВ тайёрлади

Гугурт қандай пайдо бўлган?

"Ҳар сафар гугуртдан фойдаланганимда, уни биринчи бўлиб ким, қачон ва қаерда ихтиро қилган экан, деб ўйлайман. Шу ҳақда маълумот берсангиз.
Ҳусан ЭГАМОВ, Бўка тумани."

— Гугуртни француз олими Ш. Сориа 1831 йили ихтиро қилган. У олтингугурт билан бертолий тузи аралашмаси бирон нарсага қаттиқ урилса, портлаб кетишини яхши билган. Кунлардан бирида 19 ёшли ихтирочи аралашмага оқ фосфор қўшиб кўради. Ҳосил бўлган массадан чўпга суради-да, қуригач, қаттиқ жисмга ишқалаганда аланга пайдо бўлади.

Бир зумда ёнадиган гугуртни тайёрлаш жараёни анчагина мураккаб, албатта. Гугурт чўпининг уч қисмидаги ёнувчи модданинг ярмиси бертолий тузи ва натрий бихроматдан иборат оксидловчи моддалардир. Улар таркибидаги кислород юқори ҳароратда осон ажралади.

Ҳозирги вақтда ёнганида ўзидан 1500 даража иссиқлик чиқарувчи гугуртлар ҳам бор. Улар билан ҳатто металларни, жумладан, узилган телефон кабелларини осонгина пайвандласа бўлади. Овчиларга мўлжаллаб чиқарилган гугуртлар эса, шаррос ёмғир қуяётганда, шунингдек, қаттиқ шамолда ҳам ёнаверади.

Толстойнинг буюклиги ҳам ана шунда

"Жаҳоннинг кўпгина илму фан намояндалари, машҳур ёзувчилар Нобель мукофоти билан тақдирланганлар. Нима учун улар орасида буюк адиб Лев Толстой йўқ?
Адиба ҒУЛОМОВА, Сариосиё тумани."

— 1905 йили Россия Фанлар академияси Лев Николаевич Толстойни Нобель мукофотига тақдим этишга тайёргарлик кўрган. Шу мақсадда академик А.Ф. Кони бошчилигида батафсил тавсияномa, "Уруш ва тинчлик", "Тирилиш" каби асарларга тавсиянома ёзилган. Унда, жумладан, "Толстой асарлари бутун-бутун даврларни қамраб олади", дея адиб ижодига юксак баҳо берилади, истеъдоди Данте ва Сервантес билан қиёсланади.

Аммо Толстойнинг ўзи фин ёзувчиси А. Ернфельтга мактуб йўллаб, нима қилиб бўлса ҳам шу ишни тўхтатишга ёрдам беришни сўрайди. Акс ҳолда мукофотни рад этиб, ноқулай аҳволга тушиб қолмай, деб ёзади машҳур адиб ўша хатида. А. Ернфельт унинг илтимосини бажариб, мактубни Швеция Фанлар академиясига топширади. Буюк санъаткорнинг ғоят камтарлиги ва сиёсий-ахлоқий қарашлари эса ҳатто Нобель мукофотидан ҳам аълодир, дейиш мумкин.

Коньяк юракка давоми?..

"Мен бундан икки йил олдин миокард инфаркти билан оғриган эдим. Танишларим маслаҳатига кўра, юракдаги оғриқнинг олдини олиш учун бир пиёла чойга бир чой қошиқ коньяк қўшиб ичаман. Бу ишим тўғрими, шу ҳақда маълумот берсангиз?
Акром Саримсоқов, Тошкент шаҳри."

— Афсуски, сизга нотўғри маслаҳат беришибди. Алкоголь юрак-томир касалликларини зўрайтириб юборади, миокардга ҳалокатли таъсир этади.

Шифокорларнинг фикрича, миокард инфарктини бошидан кечирган кишиларда кўпинча кардиосклероз ривожланади. Алкоголнинг таркибий қисми бўлмиш этанол миокардга заҳарли таъсир қилади, мембранани ва тўқималарнинг бошқа тузилмаларини зарарлайди. Коньякни ҳатто жуда оз дозада "дори" ўрнида мунтазам ичиб юрадиган кишиларда миокард функцияси бузилади. Соғлом мускул толалари тобора камайиб боради. Натижада юрак мускули борган сари сусаяди, жигар ҳам жабр тортади.

Кўп сонли клиник кузатувлар асосида кардиологлар шундай хулосаларга келганларки, алкоголь юракнинг тўсатдан тўхтаб қолишига олиб келиши мумкин экан.

Агар юракда оғриқ хуружи бошланса, дарҳол тил тагига нитроглицерин таблеткасини қўйинг. У бир-бир ярим минут мобайнида юрак қисиши хуружини тўхтатади. Шунингдек, тил тагига валидол қўйиш билан ҳам кифояланса бўлади.

АЗИЗ ГАЗЕТХОНЛАР!
Биз Сизни қизиқтирган саволларга жавоб беришдан доимо мамнунмиз. Марҳамат, саволларингизни қуйидаги манзилга йўллашингиз мумкин: 700051, Тошкент шаҳри, «Нукус» кўчаси, 73а-уй. Мурожаат учун телефон: 55-70-16.

КЕРАГИДАН ортиқ нарсага интилиш — муҳтожлик кетидан қувиш демакдир

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ДУНЁ

2006 — кимга тўй, кимга аза олиб келди

КЎҲНА ТАРИХ ҲАМИША ҚУВОНЧЛИ ВА АЙНИ ПАЙТДА МУСИБАТЛИ ВОҚЕАЛАРГА БОЙ БЎЛГАН. ЯКУНЛАНАЁТГАН ЙИЛ ҲАМ БУНДАН МУСТАСНО ЭМАС

Аҳли олам тарихга муҳрланаётган йилда турли мамлакатлар, уларнинг сиёсатчиларига бевосита боғлиқ бўлган ва умуман сиёсий жараёнларга алоқаси бўлмаган кўплаб воқеа-ҳодисаларнинг гувоҳи бўлди. Аммо бир ҳақиқатни тан олмоқ керак: "дунёни манфаат бошқаради" деган кўҳна ақида бу йил ҳам ўзининг нақадар яшовчан эканлигин яна бир карра намоён этди.

Шу ўринда Юртбошимизнинг "XXI аср қиёфасини энергия захиралари белгилаб беради" дея бундан 10 йил илгари айтган фикри нақадар тўғри эканлигини эсламоқ фойдадан ҳоли бўлмас. Зеро, Марказий Осиё, Кавказ, Яқин Шарқ ва Африкада давом этаётган геосиёсий ўйинлар замирида қандай манфаатлар ётгани эндиликда ҳеч кимга сир эмас.

САРҲИСОБ

■ Шерзод АРАПОВ

Аниқ статистик маълумотларга кўра, бугун ер қаъридан кунига 85 млн. баррель нефть қазиб олинаяпти. Халқаро валюта жамғармасининг ҳисоб-китобларига қараганда, 2010 йилга бориб бу кўрсаткич 92 млн. баррелга етади. Иқтисодиёти йил сайин ривожланиб бораётган Хитой ва Ҳиндистоннинг "қора олтин"га бўлган эҳтиёжи кескин ошганлиги боис ушбу мамлакатлар катта энергия захиралари бўлган минтақаларга эътиборни кучайтириши АҚШ ва Ғарбий Европани ташвишга солиб қўйди. Бу ўринда гап улкан ресурсларга эга бўлган Евроосиё ҳақида кетаяпти. Ушбу минтақада ўзининг қувурлари ва катта хом ашёсига эга Россия етакчилик қилмоқда. Унинг нуфузи йил сайин ортиб бораётгани, халқаро иқтисодий майдонда янги "ўйинчи" — Кремль назоратидаги "Газпром" энергетик гигантининг Европа бозорларини забт этаётгани, табиийки, нафақат иқтисодий, балки сиёсий жараёнларга ҳам кучли таъсир кўрсата бошлади. Расмий Москва саноати тараққий этган давлатларнинг "катта саккизлик" клубига раислик қилган 2006 йилда Европа йўналиши, шу жумладан, эрнегия хавфсизлиги билан боғлиқ масалалар устувор аҳамият касб этганининг боиси ҳам ана шунда. Россия-Европа муносабатларидаги иқтисодий муаммолар туфайли кўҳна қитъанинг Россиядаги демократия танқислигига йўналтирилган анъанавий баёнотлари иккинчи даражали аҳамият касб этди. Танқид шакли ўзгарди. Энергетик захиралардан қўшниларига, ҳамкорларига сиёсий босим кўрсатиш қуроли сифатида фойдаланилаётганини "кўз-кўз"лаш орқали бонг уриш айрим давлатларнинг асосий мавзуига айланди, дейиш мумкин.

Европа Иттифоқи ва Россия музокараларида Москвани Европа Энергетик хартиясини қабул қилишга кўндиришга ҳаракат қилинди. Бироқ Кремль маъмурияти ўзи учун номақбул шартларни инкор этди. "Газпром" эса Франциянинг давлатга қарашли газ тақсимловчи компанияси Gaz de France билан келишув имзолаш орқали йилни муваффақиятли якунлаб, Франсияга 2030 йилгача газ етказиб бериш кафолатини берди.

Халқаро кузатувчилар кириб келаётган 2007 йилда ҳам дунёда нефть ва газ мавзуи бош мавзу бўлиб қолажагини бежиз таъкидламаётирлар. Экспертларнинг хулосаларига кўра, халқаро майдонда зиддият, можаро, урушлар сони камайса, энергия нархи ўз-ўзидан арзонлашади. Аммо, афсуски, айрим сиёсатдонлар ана шу оддий ҳақиқатни тан олишни истамаяптилар.

Шимолий Кореяда ўтказилган ядровий синовлар ҳам 2006 йил сиёсий жараёнларига жиддий таъсир кўрсатди. Бу ерда гап ядро қуролининг тоталитар давлатлар қўлига тушиб қолиши ҳақида эмас, балки жаҳон дипломатиясининг атом қуроли тарқалишини чеклашга қаратилган уринишларининг қоғоздан қурилган уй каби мустаҳкам эмаслиги хусусида бораяпти. Аслида иқтисодий жиҳатдан қолоқ Шимолий Кореянинг қудратли қуролга эга бўлаётгани бошқа "учинчи дунё" мамлакатлари ҳам оммавий қирғин қуролини яратиши мумкин, деган тасаввурларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Хўш, бу жараёнлар кимлар томонидан ва қандай тўхтатилади?

Минг афсуски, манфаатлар устувор бўлган бугунги кунда ҳеч ким қуролланиш пойгасини тўхтатишга қодир эмасдек кўринаяпти. Узоққа бормайлик. Ўзини сайёрамизда тинчлик ўрнатишга масъул шахс, деб санаётган Америка президенти ядровий технологияларни Ҳиндистонга етказиб беришдан воз кечишга қаратилган анъанавий сиёсатдан негадир воз кечди. Ваҳоланки, сўнгги ўн йилликлар мобайнида Вашингтон Деҳлининг ядровий ҳиссиётларини жиловлашни оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик соҳасидаги стратегиясининг ажралмас қисми дея ҳисоблаб келганди. Оқ уй муносабатларини вайрон қилибгина қолмай, Ироқдаги вазиятнинг издан чиқишига, мазҳабларо тўқнашувларнинг пайдо бўлиши ва мамлакатнинг деярли парчаланишига олиб келди. Тўқнашувлар туфайли 2006 йилнинг ўзида минглаб ироқлик ҳалок бўлди. Америка 800 нафар аскаридан айрилди, 1 млн.га яқин фуқаро қочоққа айланди. Йил охирига бориб Америка жамоатчилиги урушдан чарчаганлигини ошкор қилгани эса қўшстандартлар сиёсатининг таг устунлари кўпчилик ўйлаганидек мустаҳкам эмаслигини кўрсатиб қўйди. Жеймс Бейкер бошчилигидаги мустақил комиссия Ироққа оид текширувларни якунлаб, ўз хулосаларини президент Жорж Бушга тақдим этгач, 2003 йил март ойида бошланган Ироқ компаниясидан бери Американинг 3000 нафар аскари ҳалок бўлгани, 21000 ҳарбий хизматчи тан жароҳатлари олгани, урушга эса 400 млрд. доллар маблағ сарфлангани аён бўлди. Кузатувчиларнинг фикрича, уруш қурбонлари ва фахрийларига ажратилган нафақа миқдори ҳисобланганда АҚШнинг урушдан кўрган зарари 2 триллион долларга яқинлашиб қолади. Бу табиий равишда океанорти мамлакатида ўтказилган сайловларга ҳам жиддий таъсир кўрсатди. Республикачилар Конгрессининг ҳар иккала палатаси устидан назоратни бой бериб, Жорж Бушни "қанотсиз" қолишига олиб келди, дейиш мумкин. Дональд Рамсфельднинг мудофаа вазири лавозимидан истеъфога чиқиши эса шундоқ ҳам чигал бўлган вазиятни мураккаблаштирди.

Маълумки, Америка геостратегик мақсадлар билан бирга Ироқда бутун ислом дунёси учун "намуна" бўладиган демократия модели"ни шакллантирмоқчи эди. Лекин ҳаётнинг ўзи демократияни экспорт қилиб бўлмаслигини яна бир карра исботлади.

Ўтаётган йилда Афғонистондаги вазият ҳам кескинлашди. НАТОнинг тинчликни сақлаш йўлидаги уринишларига қарамай, террорчилик хуружлари оқибатида 3 мингдан ортиқ инсон ҳаётдан кўз юмди, мамлакат халқаро қора дори бозорида яна "пешқадам" бўлиб қолди. БМТ маълумотларига кўра, тарихга муҳрланаётган йилимизда Афғонистон оз эмас-кўп эмас, 6100 тонна қора дори етиштирган.

"Кимга тўй, кимга аза" деганларидек, Европадаги айрим матбуот нашрлари ўтаётган йилда ҳам динлараро зиддиятларнинг кучайишига катта ҳисса қўшдилар. Данияннинг "Юлландс-постен" газетаси Пайғамбаримизга қарши ҳажвий расмлар нашр этгани, карикатуранинг баъзи лавҳаларида Ислом олами Расули террорчи сифатида акс эттирилгани Яқин Шарқ, Форс кўрфази, Афғонистон ва Ислом дунёсининг қатор мамлакатларида оммавий тартибсизликларни келтириб чиқарди. Маълумки, ҳар қандай минтақада тинчлик, тотувлик ва барқарорликни сақлаб қолишнинг асосий шарти ўзаро сабр-тоқатли ва бағрикенглик асосида муросаи мадора қилиб яшашни тақозо этади. Бундай талаб барчага, жумладан, демократик ривожланиш борасида кўп асрлик тажрибага эга бўлган, ўзини маърифатли ҳисоблаган Европа учун ҳам бирдек таллуқлидир. Шунингдек, АҚШ Марказий Разведка Бошқармасининг Европанинг айрим давлатларидаги махфий қамоқхоналари хусусидаги жанжаллар, Гуантанамо ҳарбий базасида асирларга нисбатан қийноқлар қўлланилгани ва халқаро ҳуқуқнинг қатор нормалари қўпол равишда бузилгани ҳам 2006 йилнинг мудҳиш воқеалари сифатида тилга олинмоқда.

2006 йилда Хитой ва Ҳиндистоннинг ғайриоддий иқтисодий тараққиёти ҳам энг муҳим иқтисодий ва сиёсий ҳодиса сифатида жамоатчилик эътиборида бўлди. Аайниқса, асли ҳиндистонлик бўлган "Mittal Steel" компанияси раҳбари Европадаги йирик металлургия компаниясини сотиб олгани катта шов-шувларга сабаб бўлди. Ҳинд фонд бозори ҳам 2006 йилда янги рекорд ўрнатди, дейиш мумкин. Гонконг фонд биржасида жойлаштирилган янги акциялар Нью-Йорк ёки Лондон биржасидан кўра кўпроқ маблағлар йиға олди. Хитой эса иқтисодиётга инвестициялар жалб этиш бўйича Японияни қувиб ўтди. Ноябрь ойининг ўзида Хитой Африка мамлакатларининг 48 етакчисини ва АСЕАНга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг саммитини қабул қилди. Шимолий Кореянинг ядровий дастурига оид инқирозлар чиқиш бўйича музокараларни ўтказиш ташаббуси ҳам расмий Пекиндан чиқди.

Хуллас, Тўнғиз йилида ҳам Осиё жаҳон иқтисодий ўсиш маркази мавқеини қўлдан бой бермаслиги яна ҳам аниқ бўлиб қолди.

Декабрь ойининг сўнгги ҳафталарида Туркманистон президенти Сапармурод Ниёзовнинг тўсатдан вафот этиши ва Каспийбўйида жойлашган энергетик захираларга бой бу мамлакатда ҳокимиятни ким эгаллаши борасидаги тахминлар, Қирғизистонда ноябрь ойида президент ва ҳукумат раҳбарини истеъфога чорловчи норозилик намойишлари ўтказилиши ва унинг ортида ғарб васвасасига учраган нодавлат нотижорат ташкилотлар турганлигининг ўзиёқ Марказий Осиё минтақасида янги геосиёсий ўйинлар бошланаётганидан далолатдир.

Ўзбекистонимизда эса тўғри ва оқилона сиёсат олиб борилаётгани туфайли энг бебаҳо неъмат — тинчлик ҳукмрон бўлиб турибди. Илоҳим, юртимиздаги осойишталикка кўз тегмасин.





- **«Дунёни манфаат бошқаради» деган кўҳна ақида бу йил ҳам ўзининг яшовчан эканлигин намоён этди**
- **Францияга 2030 йилгача газ етказиб берилади**
- **Ўтаётган йилнинг яна бир қора куни Исроилнинг Ливан жанубига бостириб кириши кўплаб оддий фуқаролар, болалар ва аёллар умрига зомин бўлди**
- **Самарра шаҳридаги «Олтин қубба» масжидидаги портлаш мамлакатнинг деярли парчаланишига олиб келди**
- **Америка 800 нафар аскаридан айрилди, 1 млн.га яқин фуқаро қочоққа айланди. Йил охирига бориб Америка жамоатчилиги урушдан чарчаганлигини ошкор қилгани эса қўшстандартлар сиёсатининг таг устунлари кўпчилик ўйлаганидек мустаҳкам эмаслигини кўрсатиб қўйди**
- **Ҳаётнинг ўзи демократияни экспорт қилиб бўлмаслигини яна бир карра исботлади**
- **БМТ маълумотларига кўра, тарихга муҳрланаётган йилимизда Афғонистонда оз эмас-кўп эмас, 6100 тонна қора дори етиштирилган**
- **«Mittal Steel» компанияси раҳбари Европадаги йирик металлургия компаниясини сотиб олди**

ҚУТЛОВ

ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ ЖАМОАСИ

Жонажон диёримизнинг барча фуқароларини ва юртимиз меҳмонларини кириб келаётган Янги йил байрами билан самимий муборакбод этади. 2007 йил барчамиз учун қутлуғ келсин. Юртимиздаги байрамона шукуҳ, кўтаринки кайфият, шоду хуррамлик хонадонларимизни ҳеч қачон тарк этмасин!

«ШЎРТАННЕФТГАЗ» УНИТАР ШЎЪБА КОРХОНАСИ

Яқинлашиб келаётган янги — 2007 йил барчангизга муборак бўлсин. Ижтимоий ҳимоя йили ўтаётган йилдагидек сизларга бир олам бахт ва қувонч олиб келсин. Ватанимизда тинчлик-осойишталик ҳукм сураверсин, хонадонларимиздан қут-барака ҳеч қачон аримасин!

ASR EKSPRESS MEDIA

ЭСЛАБ ҚОЛИНГ, БИЗ КЕЧАЮ КУНДУЗ ИШЛАЙМИЗ ВА БУЮРТМАНГИЗНИ ЕТКАЗИБ БЕРАМИЗ!

Корхона ва ташкилотлар учун фирма бланкалари, китоб, буклет, ташриф қоғозлари ва бошқа турдаги босма маҳсулотларни арзон нархларда чоп этади ва буюртмачиларга белгиланган муддатда етказиб беради.

Телефонлар: (8-371) 380-20-77, 279-28-71, 383-99-56, 444-01-82.

МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ BELARUS

Ўзбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали

МТЗ «БЕЛАРУС» ТРАКТОРЛАРИ

МИНИ ТЕХНИКА ва улар учун эҳтиёт қисмларни таклиф этади.

KAMMAZ ARSENAL

Тошкент ш., «Братислава» к., 11.
Тел.: 361-40-33, 361-40-90.
Факс: 152-73-81.
Сайт: www.uzkam.com

Лучшее для Вас от "To'htaniyoz-ota"

Gemelli

"TO'HTANIYOZ-OTA" ТМ
ПОКИЗА
mahsulot sertifikatlangan

АДРЕСА НАШИХ МАГАЗИНОВ:
1. РЫНОК ЧОРСУ
2. РЫНОК КАТАРТАЛ 1-ПАВИЛЬОН, 68-МАГАЗИН
3. РЫНОК УРИКЗАР 1-ПАВИЛЬОН, 70-МАГАЗИН

ТАШКЕНТСКАЯ ОБЛ., г.КЕЛЕС, ПРОМЗОНА . ТЕЛ: 8(371-96) 56-196. E-MAIL: TOHTANIYOZ@RAMBLER.RU

ҚУЙИ БУҒИНЛАРИ МУСТАҲКАМ ПАРТИЯНИНГ КЕЛАЖАГИ ПОРЛОҚ

СИЁСИЙ ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИ ФАОЛЛАР БИЛИМИНИ БОЙИТМОҚДА

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

КУЧЛИ РАҚОБАТ ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИДИР

Асосий имтиҳон ҳали олдинда

O`ZLIDEP ТАШАББУСИ БИЛАН ЧОП ЭТИЛАЁТГАН «БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА» ИЛОВАСИНИНГ 80 ТА СОНИ ЎҚУВЧИЛАР ҚЎЛИГА ЕТИБ БОРДИ

Кириб келаётган янги — 2007 йилда мамлакатимиздаги сиёсий партиялар янги имкониятлар даврига қадам қўймоқдалар, десак муболаға қилмаган бўламиз. Бу жараёнда сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштириш, омма ўртасида ғоявий тарбияни кучайтириш алоҳида аҳамият касб этади. Зеро бозор иқтисодиёти ҳамда кўппартиявийлик муҳитига асосланган фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш энг долзарб вазифаларимиздан биридир.

■ **Носир ТОШЕВ, «XXI asr» мухбири**

Солиҳ ЗОИР олган суратлар

Маълумки, давр ўзгариши билан ҳаёт ўртага қўяётган муаммоларга нисбатан ҳозиржавоблик билан муносабатда бўлиш ҳар биримиздан алоҳида масъулият ва сиёсий сезгирликни талаб этаётир. Зотан биз ким бўлишимиздан, қаерда ва қандай вазифада ишлашимиздан, қайси миллатга мансублигимиздан қатъи назар, шу юрт, шу Ватан манфаати йўлида бирдек курашмоғимиз шарт.

Табиийки, ҳар бир партия ўз ғоя ва мақсадлари билан сиёсат майдонига қадам қўяди. Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳам ўтган давр мобайнида сон жиҳатидан ўсиб, сифат жиҳатидан мустаҳкамланди. Унинг асосий электорати — мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ривожига ўз ҳиссасини қўшаётган реал куч — тадбиркор ва ишбилармонлар, кичик ва ўрта бизнес вакилларидир.

Партиямиз жойлардаги электорат кучига таяниб, ўз дастурий ғоя ва мақсадларини рўёбга чиқаришга имкон даражасида ҳаракат қилмоқда. Бу борада унинг негизини ташкил этувчи қуйи бўғин — бошланғич ташкилотларнинг ҳиссаси алоҳида эканлигини таъкидлаш жоиз. Негаки, айнан ана шу бўғин оммага яқин бўлиб бевосита иш олиб боради. Қуйи бўғинлари мустаҳкам ва барқарор бўлган партиянинг эса келажаги порлоқ. O`zLiDeP шундан келиб чиқиб, бошланғич ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш, улар сафини ғоявий етук, юксак эътиқодли кадрлар ҳисобига кенгайтириш чораларини кўрмоқда.

Партия нашрида "Бошланғич партия ташкилотларида" иловасининг мунтазам чоп этилаётганлигининг боиси ҳам ана шунда. Партия раҳбариятининг мазкур иловани чоп этиш тўғрисидаги ташаббуси кўпминг сонли ўқувчилар, айниқса БПТ аъзолари томонидан тўла қўллаб-қувватлангани бежиз эмас, албатта.Тўғри, бу тажриба сиёсий партиялар нашрларида ҳали қўлланилмаганди. Аммо O`zLiDeP раҳбариятининг ташаббуси замиридаги мақсад қуйи бўғинлар фаолияти билан боғлиқ ишларни чуқур таҳлил қилиш, мавжуд тажрибаларни оммалаштириш имконини бердики, бу ҳам бўлса, партия раҳбарияти олдида турган энг муҳим вазифа — БПТлар фаолиятини жонлантиришга хизмат қилди. Илованинг дастлабки сони 2005 йилнинг 5 майида газетхонлар ҳукмига ҳавола этилган бўлса, ўшандан бери 80 та махсус сон чоп этилиб, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятига оид туркум мақолалар берилди.

Ана шундан келиб чиқиб, бошланғич ташкилотларни партия ҳаётининг ўзига хос кўзгуси, десак, янглишмаган бўламиз. Сиёсий-тарбиявий ишларни йўлга қўйиш, белгиланган дастурий вазифаларни амалга ошириш борасида улар зиммасига алоҳида масъулият юклатилаяпти. O`zLiDeP шундан келиб чиқиб, жойлардаги қуйи бўғинлар фаолиятини такомиллаштиришга, уларнинг омма билан ҳамкорлигини кенгайтиришга жиддий эътибор қаратмоқда. Хўш, натижалардан қониқиш ҳосил қилиш мумкинми? Ўтган даврда бир қатор вилоятларда БПТларнинг сиёсий жанговарлигини ошириш умумпартиявий ишнинг ажралмас қисмига айлангани рост. Бу эса ўша ҳудуддаги фаолларнинг уйғоқлигидан, ўз зиммаларидаги партиявий бурчга талабчанлик билан ёндашаётганликларидан далолат беради. Ён-атрофимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан дахлдорлик ҳисси билан яшаш, электорат манфатларидан келиб чиққан ҳолда иш юритиш айни кунда партиямиз олдида турган асосий масалалардан биридир. Афсуски, буни доим ҳам тўла англаб етаётганимиз йўқ. 2006 йилда қуйи бўғинлар фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштиришда эътиборсизлик, ўзибўларчилик ҳолларига йўл қўйилаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Андижон, Фарғона ва Самарқанд вилоятларидаги қатор туманларда фаолият юритаётган айрим БПТлар кундалик ҳаётдан узоқлашиб қолмоқдаларки, бундай нуқсонлар махсус илова чоп этила бошлагач, яққол кўзга ташланиб қолди. Ана шу ҳудудларимизда аксарият ҳолларда кадрлар малакасини ошириш, партия сафларини мустаҳкамлашдек муҳим ишга панжа орасидан қаралди. Сиёсий машғулотлар аксарият ҳолларда хўжакўрсингагина ўтказилди. Улар партиянинг стратегик ғоялари ва мақсадлари билан мувофиқлаштирилмагани эса янада ачинарли ҳолатдир.

Тарих саҳифаларига муҳрланаётган 2006 йил сарҳисоб қилинаётган шу кунларда ҳар бир партия аъзоси ана шу хато ва камчиликлардан тўғри хулоса чиқармоғи ва янги — 2007 йилда уларни бартараф этиш юзасидан жиддий тадбирлар белгилаши лозим бўлади. Юртбошимиз таъкидлаганидек, "Кимки ҳаёт тараққиёти билан ҳамқадам бўлмаса, унга лоқайд ва беписанд қараса, ҳеч шубҳасиз, тез ўзгараётган тарихнинг бир чеккасида, қолоқлик ва армонда қолиб кетади". Бас, шундай экан, биздан янада масъулият ва ташаббускорликни талаб қилаётган янги йилда зиммамиздаги партиявий бурчга масъулият билан ёндашиб, БПТлар ишини янада такомиллаштириш чораларини кўришимиз лозим. Зеро улар омманинг меҳнат ва сиёсий фаоллигини ошириш, демократия ҳамда эркинлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, ислоҳотлар изчиллигини таъминлашдаги энг масъулиятли етакчи бўғинимиздир.

ТАЯНЧ НУҚТАЛАРИМИЗ

2006 ЙИЛДА ГАЗЕТАМИЗДА БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИГА БАҒИШЛАНГАН 51 ТА МАХСУС САҲИФА ЧОП ЭТИЛДИ. УЛАРДА ПАРТИЯ ҚУЙИ БЎҒИНЛАРИДА ШАКЛЛАНГАН ЭНГ ЯХШИ ТАЖРИБАЛАР, МАВЖУД МУАММОЛАР, УЛАР ЕЧИМИГА ОИД ФИКРЛАР, ТАНҚИДИЙ-ТАҲЛИЛИЙ МУЛОҲАЗАЛАР АТРОФЛИЧА ЁРИТИЛДИ. ҚУЙИДА САҲИФА ҚАҲРАМОНЛАРИ — БПТ РАИСЛАРИНИНГ МУЛОҲАЗАЛАРИНИ ЭЪТИБОРИНГИЗГА ҲАВОЛА ЭТАМИЗ.

ВАТАН ОСТОНАДАН БОШЛАНАДИ

15 июнь, 24-сон
Юсуфжон Ўтаганов, Гулистон туманидаги «Деҳқонобод» шаҳарчаси фуқаролари йиғини бошланғич партия ташкилотининг раиси:

— Маҳаллла фуқаролар йиғини раисига билдирилган ишонч бошланғич партия ташкилоти фаолиятига берилган муносиб баҳо бўлди.Бу мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқларида фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш бўйича изчил иш олиб борилаётганидан далолат беради.

●●●

СЎЗ ВА ИШ БИРЛИГИ ТАЪМИНЛАНГАН ЖОЙДА

29 июнь, 26-сон
Зокиржон Султонов, Балиқчи туманидаги Алишер Навоий номли ип йигирув ва тўқув акциядорлик жамияти бошланғич партия ташкилоти раиси:

— Партия аъзоси бўлиш, ён-атрофимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга уйғоқ кўз билан қараш, замон билан ҳамнафас қадам ташлаш, келажак тақдири учун масъулликни зиммага олиш демакдир. Вазифа, мақсад аниқ. Ҳафтасига бир-икки бора йиғилиш ўтказиб, шунчаки қоғоз тўлдириб қўйиш билан иш битмайди. Одамлардаги интеллектуал қобилиятни ишга солиш, тадбиркорликни ривожлантириш, барча соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларни жадаллаштириш айни кундаги муҳим вазифалардан биридир.

●●●

ХАТО ҚИЛИШГА ХАҚҚИМИЗ ЙЎҚ

12 октябрь, 40-сон
Аброр Бузруков, «Қашқадарё электр тармоқлари» очиқ акциядорлик жамияти бошланғич партия ташкилотининг раиси:

— Ташаббускорлик, сиёсий фаоллик ва уйғоқлик бугунги кун кишисининг фазилатига айланмоғи шарт. Партия аъзоси эзгу ғояларнинг фаол ва жонкуяр тарғиботчиси бўлиши, тадбиркорликни ривожлантириш орқали иқтисодиётни юксалтириш, ишсизликни камайтириш, жамият фаровонлигига эришиш энг мақбул ва самарали йўл эканлигини аҳоли кенг қатлами онгига сингдира олиш зарур.

●●●

СИЁСАТ — КУРАШ МАЙДОНИ

30 ноябрь, 47-сон
Тоҳир Ҳожимуратов, «Савдогарбанк» қошидаги бошланғич партия ташкилоти раиси:

— O'zLiDeP мамлакатимизда либерал ғояларнинг тарғиботчиси сифатида ўз мақсад ва интилишлари билан бошқа сиёсий партиялардан ажралиб туради. Лекин улар ўз йўлига. Очиғи, кейинги пайтда ўз қобиғимизга ўралиб қолаётгандекмиз. Амалий ташаббуслар кам. Услубий қўлланмалар етишмайди. Бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини жонлантириш ҳақида кўп гапирамизу, натижага келганда бош қашиб қоламиз. Кўринадики, эл-юрт ишончини тўла қозониш учун ҳали кўп тер тўкишимиз, фаоллик ва ташкилотчиликни кучайтиришимиз лозим.

●●●

БУРЧ МАСЪУЛИЯТИ

14 декабрь, 49-сон
Ғаффорали Эргашев, Республика товар-хом ашё биржаси очиқ акциядорлик жамияти Наманган филиали директори, бошланғич партия ташкилотининг раиси:

— Ҳозир замон бошқа. Юксак ишончга яраша ҳаракат ҳам зарур. Қуруқ дабдабабозликнинг ҳеч кимга кераги йўқ. Бас шундай экан, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини қайта кўриб чиқиш ва уларнинг жанговарлигини янада ошириш чораларини кўриш лозим. Бу эса ҳаммамизга ва ҳар биримизга боғлиқ бўлган муҳим масаладир.

Эришилган натижалар чегара эмас

— ДЕЙДИ «САНОАТҚУРИЛИШБАНК»НИНГ БУХОРО МИНТАҚАВИЙ ФИЛИАЛИ БПТ ЕТАКЧИСИ БОБИР ҚОБИЛОВ

Давр кўз ўнгимизда ўзгариб бормоқда. Муҳим ҳаётий масалаларга нисбатан сиёсий ҳозиржавоблик билан муносабатда бўлиш O`zLiDeP фаолиятида алоҳида ўрин тутади. Чунки партия аъзолари амалий ҳаёт билан боғланмаган, ҳавойи интилишлар, чиройли, лекин қуруқ даъват ва чақириқлар билан яшайдиган ҳар қандай сиёсий партия ёки ҳаракат инқирозга юз тутиши муқаррарлигини жуда яхши тушинадилар.

■ Асхор ИСТАМОВ, «XXI asr» мухбири

Бобир ҚОБИЛОВ,
1970 йилда Олот туманида туғилган. 1997 йилда Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтини, шунингдек, Тошкент молия институтининг банк ва кредит факультетини битирган. "Тадбиркорбанк"нинг вилоят бўлимида хазиначи, бухгалтер, кредит бўлими бошлиғи, вилоят бўлими бошлиғининг ўринбосари лавозимларида ишлаган. 2002 йилнинг апрель ойидан "Саноатқурилишбанк"нинг Бухоро минтақавий бўлимида хизмат қилиб келмоқда. O`zLiDeP бошланғич ташкилоти раиси.



Дарҳақиқат, ҳозирги пайтда мамлакатимиздаги сиёсий партиялар, жумладан, O`zLiDeP зиммасига ҳам жуда катта масъулият юклатилган. Зотан, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш хусусида сўз борар экан, қуйи бўғинларнинг кенг иштирокисиз бу мақсадга эришиб бўлмаслиги ўз-ўзидан аёнлашади. "Саноатқурилишбанк"нинг минтақавий бўлимида меҳнат қилаётган маслакдошлар бугунги кун талабидан келиб чиқиб, ҳар бир масалага эътибор ва синчковлик билан муносабатда бўлмоқдалар.

Вазирлар Маҳкамасининг "Банк тизимини ислоҳ қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ҳамда "Тижорат банкларининг кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари ҳаракат учун қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳозирги кунда 2,5 мингга яқин кичик ва ўрта бизнес субъектлари филиалнинг доимий мижозлари саналади. Кўплаб деҳқон ва фермер хўжаликлари, жумладан, бир қатор кичик корхона ва хусусий фирмалар ҳам банкнинг молиявий ёрдами билан ўз қадларини тиклаб олишди. Минтақавий филиалнинг Бухоро, Когон ва Қоровулбозор шаҳарларидаги шохобчалари ҳам фаолият доирасини кенгайтиришга ҳаракат қилмоқда. Кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини ошириш, молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 11 ойи давомида банк мижозларига жами 3 млрд. сўмга яқин кредит маблағлари ажратилганлиги эътиборга моликдир.

Оилавий тадбиркорликни рағбатлантириш учун бюджетдан ташқари фондлар ҳисобидан 20 дан ортиқ кам таъминланган оилага 30 млн. сўмлик имтиёзли кредит берилган. Эришилаётган натижаларда O`zLiDeP аъзоларининг муносиб ҳиссаси бор, албатта. Пластик карточкаларни ривожлантириш, валюта операцияларини бошқариш, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўлимларида банк ишининг ҳақиқий жонкуярлари меҳнат қилишади.

Партия аъзолари Бухоро шаҳридаги 1, 2, ва 3-маҳалла фуқаролар йиғинларида тез-тез бўлиб, турли ҳаётий масалалар бўйича жамоатчилик вакилларига яқиндан ёрдам кўрсатишмоқда. Ана шундай ҳамкорлик туфайли коммунал соҳадаги қарздорлик даражаси камайиб бораяпти.

Партия фаоллари ҳар ҳафтада ўтказиладиган семинар-тренинг машғулотларида кенг иштирок этиб, ўз билимларини бойитмоқдалар. Маънавий-маърифий мавзулардаги бундай мулоқотлар уларни давр билан ҳамнафас ва ҳамқадам бўлишга руҳлантираяпти. O`zLiDeP вилоят кенгаши ҳузуридаги Сиёсий таълим марказида режали тарзда ташкил этилаётган давра суҳбатлари ва ўқув семинарлари ҳақида ҳам худди шундай, дейиш мумкин. Фаоллар зиммасига юклатилган партиявий топшириқлар ижроси доимий равишда назорат қилиб борилади. Ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида тарбиявий-сиёсий ишлар кучайтирилаётганлиги ҳам ўз самарасини бермоқда.

Қуйидан бошланган янгилик ва ташаббуснинг истиқболи порлоқдир. Бобир Қобилов раҳбарлик қилаётган бошланғич партия ташкилоти атрофига уюшган маслакдошлар буни дилдан ҳис этиб, омма орасига чуқурроқ кириб бормоқдалар.

BANK

Ўзбекистон Республикасининг
Давлат-тижорат
«ХАЛҚ БАНКИ»

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БАРЧА ФУҚАРОЛАРИНИ МУҚАДДАС ҚУРБОН ҲАЙИТИ ҲАМДА КИРИБ КЕЛАЁТГАН 2007 ЙИЛ — ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ БИЛАН САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАДИ. ЯНГИ ЙИЛДА ОИЛАНГИЗГА ТИНЧЛИК-ХОТИРЖАМЛИК ВА ОМАД ТИЛАЙДИ. ҚАЛБИНГИЗНИ ҚУВОНЧ ҲЕЧ ҚАЧОН ТАРК ЭТМАСИН. ЮРТИМИЗДА ТИНЧЛИК, ОСОЙИШТАЛИК ДОИМО ҲУКМРОН БЎЛСИН!
БАНК ТУРМУШ ТАРЗИНГИЗНИ ФАРОВОНЛАШТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН "ОИЛА ФАРОВОНЛИГИ" ИСТЕЪМОЛ КРЕДИТИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Бунда сиз:
* Ўз оила эҳтиёжларингизни қондириш мақсадида чорва моллари, парранда ва улар учун озуқа сотиб олиш;
* Миллий ҳунармандчилик ва касаначилик билан шуғулланиш;
* Уй-жой (ҳовли) ва квартираларни таъмирлаш;
* Дори-дармон сотиб олиш ва даволаниш;
* Республикамизда ишлаб чиқарилган уй-рўзғор буюмларини харид қилиш ва бошқа имконият ҳамда қулайликларга эга бўласиз.
Шу билан бирга банкнинг "Ишонч" ва "Барака" сўм пластик карточкаларидан фойдаланишни таклиф этади. Мазкур пластик карточкалар орқали савдо муассасалари, енилги қуйиш шохобчалари, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тармоқларида товарлар ва хизматлар учун ҳисоб-китоб қилишингиз ҳамда исталган вақтда банк филиалларидан нақд пул олишингиз мумкин.
"Халқ банки" — онлайн банки.
Унинг хизматларидан турмуш фаровонлигингизни оширинг!

«Халқ Банки» - Сизнинг онлайн банки!

«НАМАНГАНВИНО»
очиқ акциядорлик жамияти

Юртимиз аҳлини
кириб келаётган
2007 йил билан самимий
муборакбод этади.
Янги йил барчамизнинг
хонадонимизга
шоду ҳуррамлик,
қут-барака олиб келсин.

ҚУТЛОВ



Акциядорлик-тижорат банки

«ПАХТА БАНК»

барча юртдошларимизни ўз акциядорларини ҳамда мижозларини ва ватанимизга ташриф буюрган азиз меҳмонларни яқинлашиб келаётган Янги — 2007 йил билан чин дилдан қутлайди. Янги йилда Сизларга бахт, омад, соғлиқ ва оилавий хотиржамлик тилаймиз!

«Пахтабанк» фаровонлигингиз калитидир!

«Пахтабанк» кенгаши ва бошқаруви.

19-сонли «ҚАШҚАДАРЁДЕХҚОНЧИЛИККҚУРИЛИШ» очиқ акциядорлик жамияти

юртимиз аҳлини қўшалоқ байрам — Қурбон ҳайити ҳамда кириб келаётган янги — 2007 йил билан самимий муборакбод этади. Янги йил барчамизнинг хонадонимизга қут-барака ва шоду хуррамлик олиб келсин!



ҚУТЛОВ

TURON BANK

Акциядорлик тижорат

ТУРОН БАНКИ

**Бутун ўзбек халқини,
барча миҳозларини
қўшалоқ байрам —
Қурбон ҳайити ҳамда
Янги йил билан
чин дилдан қутлайди.
Азиз юртдошлар,
умрингиз узоқ,
ризқингиз бутун бўлсин!**

ТУРОНБАНК Сиз билан, сиз учун!

«ШЎРЧИ ДОН МАҲСУЛОТЛАРИ»

**ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИЯДОРЛИК
ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**

**Юртдошларимизни ва она
Ўзбекистонимиз меҳмонларини
яқинлашиб келаётган
янги — 2007 йил билан
табриклайди.
Муҳтарам Ватандошлар!
Ижтимоий ҳимоя йилида
барчангизга янгидан-янги
зафарлар, кўтаринки руҳ,
битмас-туганмас куч-ғайрат,
онлангизга бахт-саодат тилаймиз.
Осмонимиз ҳамиша мусаффо,
ҳаётимиз тинч ва фаровон бўлсин,
хонадонимиздан ҳеч қачон
файз-барака кўтарилмасин!**



ҚУТЛОВ

Давлат-акциядорлик-тижорат ХАЛҚ БАНКИНИНГ ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ жамоаси

Она-юртимизнинг фаровонлиги ва тараққиёти йўлида фидокорона меҳнат қилаётган барча ватандошларимизни янги — 2007 йил билан самимий қутлайди. Ижтимоий ҳимоя йилида диёримиз бугунгидек тинч, оилаларимиз осойишта, ҳаётимиз фаровон, дастурхонимиз янада тўкин бўлсин, дея ният қилади. 2007 йил омад ва зафарлар йили бўлсин, азиз юртдошлар!



«АЛИШЕР НАВОИЙ ИНТЕРНЕЙШНЛ» қўшма корхонаси

Азиз юртдошлар! Сизларни тобора яқинлашиб келаётган 2007 йил билан чин дилдан муборакбод этамиз. Янги йил барчамизга катта муваффақиятлар, аъло кайфият, мустаҳкам соғлиқ, хонадонларимизга тинчлик-омонлик, қут-барака олиб келсин!

«BURSEL TOSHKENT TEKSTIL» қўшма корхонаси

Қардош ўзбек халқини кириб келаётган Янги йил ҳамда барча мусулмонларнинг муқаддас байрами — Қурбон ҳайити билан чин дилдан муборакбод этади. 2007 йилда халқларимиз ўртасидаги биродарлик ва ўзаро ҳамкорлик ришталари янада мустаҳкамланаверсин!

ҚУТЛОВ

Улуғнор туманидаги «ИШОНЧ» фермер хўжалиги

Бутун Ўзбекистон халқини кириб келаётган 2007 — Ижтимоий ҳимоя йили билан чин дилдан қутлайди. Янги йил юртимизга тинчлик-хотиржамлик, турмушимизга янада тўкинлик, дастурхонимизга файз-барака олиб келсин.

Жалақудуқ туманидаги «ГУРУНЧ-МОЗОР» нефтбаза унитар корхонаси

Сиз, азиз юртдошларимизни 2007 йил билан табриклаб, янги йил хонадонингизга тинчлик-осойишталик, хотиржамлик, қут-барака, қалбингизга қувонч олиб келишини тилайди. Ватанимизнинг бахт-саодатини, иқболини, фарзандларимиз камолини кўриш ҳар биримизга насиб этсин.



ҚУТЛОВ

Жиззах вилоят ҳокимлиги ўрта-махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси «САЙИЛЖОЙ» академик лицейи жамоаси



Дастурхонимиз мўл-кўллиги, хонадонларимиз файз-баракаси йўлида фидокорона меҳнат қилаётган азиз пахтакорлар, боғбону соҳибкорларни кириб келаётган қувончли байрам — Янги йил муносабати билан самимий муборакбод этади! 2007 йил барчангиз учун қутлуғ келсин. Ошларингиздан ҳеч қачон қувонч аримасин!

Жиззах вилояти «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» масъулияти чекланган жамияти

Мамлакатимиз аҳолисини янги — 2007 йил билан самимий муборакбод этади. Ҳар бир хонадонга тинчлик-тотувлик, файз-барака, шоду хуррамлик тилайди. Кириб келаётган йилда барча эзгу орзуларимиз рўёбга чиқсин!

Жиззах вилояти футбол федерацияси жамоаси

Мустақил юртимизда умргузаронлик қилаётган барча фуқароларни кириб келаётган янги — 2007 йил билан самимий қутлайди. Онлангизга тинчлик-тотувлик, бахт-саодат, файз-барака тилайди.



Жиззах вилояти ҳалқ таълими бошқармаси ҳамда Жиззах тумани ҳалқ таълими бўлими педагогика жамоаси



Барча юртдошларимизни ҳамда баркамол авлод тарбияси учун ўзларини масъул деб билган ҳалқ таълими тизими ходимларини қувончли айём — кириб келаётган Янги йил байрами билан самимий муборакбод этади! Она-Ватанимиз осмони ҳамиша бугунгидек мусаффо, хонадонларимиз осойишта бўлсин!

СЎНГГИ САҲИФА

ҲАЁТ мудом ҳаракатда бўлиши учун хоҳиш, албатта, керак

ЙИЛ ЯКУНЛАРИ

Ғалвир сувдан кўтарилганда

ЯКУНЛАНАЁТГАН ЙИЛ ЎЗБЕК СПОРТИ УЧУН ОМАДЛИ КЕЛДИ, ДЕЯ БЕМАЛОЛ АЙТИШ МУМКИН

Гарчи спортчиларимиз мавсумдаги энг жиддий "имтиҳон"ни йил охирида Дохада ўтказилган XV Осиё ўйинларида (Қатарда ҳамюртларимиз умумжамоа ҳисобида 44 та иштирокчи мамлакат спортчилари орасида 7-ўринни банд этдилар) топширган бўлсалар-да, юртимиз спорти билан боғлиқ масъулиятли тадбирлар январдаёқ бошланиб, декабрга қадар давом этди.

■ Шухрат ХЎЖАЕВ

Мисол тариқасида миллий қадриятимиз — курашни олайлик. Мазкур спорт тури бўйича дастлабки мусобақалар 29-30 январь кунлари Греция ва Буюк Британияда ташкил этилган бўлса, йил давомида Афғонистон, Доминика Республикаси, ЖАР, Зимбабве, Россия каби мамлакатларда, шунингдек, республикамизнинг қатор шаҳарларида чемпионатлар ва йирик халқаро турнирлар ўтказилди. Асосийси — жорий йил охирида Дохадаги мусобақаларга кўргазмали спорт тури сифатида киритилган ўзбек кураши мутасаддилар томонидан 2010 йилда расман XVI Осиё ўйинларининг дастуридан ўрин олиниши маълум қилинди.

2006 йилда футзалчиларимиз ҳам, футболчиларимиз ҳам аввалги йилга нисбатан ёрқинроқ натижаларга эришишди. Жумладан, Тошкентнинг "Ардус" футзал жамоаси Эронда ўтказилган клубларо Осиё чемпионатида иккинчи ўринни банд этган бўлса, худди шундай натижани пойтахтимизда бўлиб ўтган қитъа биринчилигида футзал бўйича терма жамоамиз қайд этди. XV Осиё ўйинларининг чоракфиналига қадар етиб келган футболчиларимиз (тўғриғоғи — уларнинг акалари) келаси йилги Осиё биринчилигининг финал босқичи йўлланмасини нақд қилиб, ФИФА рейтингида юқори ўринларга кўтарилиб олишди.

Дилшод Мансуров, Саслан Тигиев, Абдулла Тангриев каби эркин ва юнон-рум курашчиларимиз йил давомида ўзларини кўрсатиб, мухлислар ишончини қозонган бўлсалар, тинибтинчимас Артур Таймазов ўзи қатнашган мусобақаларнинг деярли барчасида шоҳсупага кўтарилиб, Осиёнинг энг яхши спортчиси номига даъвогарлик қилаётганлар қаторидан ўрин олди.

Боксга тўхталадиган бўлсак, 2006 йилда профессионалларимиз ҳам, ҳаваскорларимиз ҳам ҳавас қилса арзигулик натижаларга эришдилар. Айтайлик: профрингда умидли ғалабаларга эришган Қаҳрамон Орзикулов ўз вазн тоифасида бирданига икки йўналиш бўйича жаҳон чемпиони, деб эътироф этилган бўлса, Жон Руисни енгган Руслан Чагаев WBA таснифида энг оғир вазн бўйича чемпионлик камари учун жанг ўтказиш ҳуқуқини қўлга киритди. Қитъада номдор бўлишга улгурган ҳаваскорларимиз эса Дохадаги мусобақаларда жами бешта (иккита олтин, битта кумуш ва иккита бронза) медаль билан тақдирланиб, яна бир бора осиёликлар орасида тенгсиз эканликларини кўрсатиб қўйдилар.

Бир неча йиллик танаффусдан сўнг яна кортга қайтган теннисчимиз Ирода Тўлаганова ўз сўзини охиригача айтиб бўлмаганини, яъни ҳали кўп нарсага қодирлигини намойиш этди. Зеро, жароҳатлардан энди қутулганига қарамай, "юлдуз"имиз йилнинг иккинчи ярмида Италия, Ҳиндистон ва Ўзбекистонда ўтказилган WTA таснифига кирувчи бир нечта мусобақаларда фахрли ўринларни банд этиб, Қатардаги ўйинларда хотин-қизлар терма жамоамизнинг бронза медаль билан тақдирланишига муносиб ҳисса қўшди.

Булардан ташқари, якунланаётган йил давомида спортчиларимиз шашка, шахмат, енгил ва оғир атлетика, каратэ, таэквандо, кикбоксинг, эшкак эшиш, байдарка ва каноэ каби спорт турлари бўйича ўтказилган халқаро турнирларда совринли ўринларни эгаллашди.

Умид қиламизки, кириб келаётган 2007 йилда ҳамюртларимиз бундан ҳам яхшироқ кўрсаткичларга эришиб, Ўзбекистон спорт оламида юқори чўққиларни забт этган Миржалол Қосимов, Рустам Қосимжонов, Артур Григорян каби спортчилар юрти эканини амалда исботлайдилар.

БУ АЖИБ ДУНЁ

Гиннес китобига кирган арча

Янги йил тантаналарини безатилган арчасиз тасаввур қилиш қийин. Шу боис кўпчиликни арчани ясатиш қаерда ва қачон урф бўлган, деган савол қизиқтириши табиий...

Тарихчи олимларнинг маълумотларига кўра, қадимги герман қабилалари вакиллари гўёки ёвуз руҳлардан сақланиш мақсадида уйларини игнабаргли дарахтлар, жумладан, арча яқинида қуришга ҳаракат қилишган. Ясатилган арчалар эса дастлаб XVII аср бошларида ҳозирги Франциянинг Германия билан чегарадош Эльзас музофотида пайдо бўлган. Эътиборли томони шундаки, ўша пайтларда фақат бадавлат оилалар хонадонида ўрнатилган арчалар асосан олмалар, ёнғоқлар, шунингдек, турли шаклдаги қандолат маҳсулотлари билан безатилган. Вақт ўтиб ейиладиган безаклар ўрнини қоғоз ва шишадан ясалган ўйинчоқлар эгаллаган. Электр грилянда (ранго-ранг чироқлар) билан ясатилган арча биринчи маротаба 1895 йилда АҚШдаги Оқ уй олдида қад кўтарган.

Дунёдаги энг баланд табиий Янги йил арчаси ҳам Вашингтондаги майдонда ўрнатилган. Гиннеснинг рекордлар китобига киритилган ушбу "ўрмон малика"синиг баландлиги 67,36 метрни ташкил қилган.

Энг баланд сунъий арча эса Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида қурилган. Ажабланарли томони шундаки, 2,8 миллионта ёнувчи ўйинчоқ билан ясатилган 82 метрли ушбу игнабаргли "мўъжиза" сувда сузиб юради. Биринчи маротаба 1999 йилда мегаполиснинг Лагоа даҳасидаги Родриго-ди-Фрейтас кўли сатҳида қурилган дарахт ҳар доим Янги йил арафасида сал кам бир ярим ой мобайнида бир ярим минг нафар киши ёрдамида қайта тикланади. Арчанинг оғирлиги — 450 тонна.

ОБ-ҲАВО

28 декабрь-3 январь

Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистонда кунора қор ёғиши кутилмоқда. Ҳаво ҳарорати кечаси **5-7** даража совуқ, кундузи **+1-+4** даража атрофида бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятларида ёғингарчилик деярли бўлмайди. Ҳарорат кечаси **-4-+1,** кундузи **+3-+6** даражани ташкил қилади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида эрта-индин ёмғир, янги йилнинг биринчи кунида эса қор ёғади. Ҳаво ҳарорати кечаси **-3-+3,** кундузи **+4-+7** даражадан ошмайди.

Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларда 31 декабрь куни ҳаво очиқ бўлади. Қолган кунларда ҳаво булутланиб, вақти-вақти ёмғир ва қор ёғади. Ҳарорат кечаси **-6-+2,** кундузи **+4-+8** даражани ташкил қилади.

Фарғона водийсида эртадан бошлаб тўрт-беш кун мобайнида ёмғир ёғиши кутилмоқда. Ҳаво ҳарорати кечаси **-3-+1,** кундузи **+2-+10** даража атрофида бўлади.

Тошкентда 30 декабрда ва январнинг дастлабки кунларида қор ёғади. Ҳарорат кечаси **-5-+1,** кундузи **+2-+10** даражани ташкил етади.

ГАЗЕТАНИНГ НАВБАТДАГИ СОНИ 2007 ЙИЛ 11 ЯНВАРДА ЧОП ЭТИЛАДИ

Дамы и Господа!
Приглашаем посетить ЭЛИТ-КЛУБ «ОАЗИС-АСАКА».
г.Ташкент, Фарғона йўли, 23
191-30-00
www.oazis-asaka.orexca.com

ВЫБОР ПО ДОСТОИНСТВУ VIP
К Вашим услугам

УЮТНАЯ ГОСТИНИЦА
12 номеров, оснащенных кабельным ТВ, сплит - кондиционированием, телефонной связью и мини- баром.

КОНФЕРЕНЦ - ЗАЛ
Оснащенный микрофонами и LCD проектором.

ТРЕНАЖЕРНЫЙ ЗАЛ И САУНА
Полностью оборудованные для тренировки и отдыха.

ПРЕКРАСНЫЙ БАССЕЙН
С системами фильтрации, дезинфекции и подогрева воды.

БАР-РЕСТОРАН
На 60 посадочных мест, и высочайший сервис.

ТУРИСТИЧЕСКИЕ УСЛУГИ
Весь спектр услуг по Узбекистану и СНГ.

Предъявителю данного купона, скидка 10%
Купон не подлежит продаже, а также обмену на ден. знаки
191-30-00

ҚЎЙ. Келаси йил кўп вазиятларда сабр-тоқатли бўлишингизга тўғри келади. Йилнинг энг омадли даври 15 майда бошланиб, 25 июнга қадар давом этади. Молиявий ютуқларга йилнинг биринчи ярмида эришсангиз, кузда таълим олиш ва малака ошириш учун қулай имконият туғилади. Шахсий ҳаётингиздаги ижобий ўзгаришлар эса март ойи бошларида ва июнда рўй беради.

БУЗОҚ. Йил мобайнида асосан уй ишлари билан банд бўласиз. Дастлабки ойларда катта мерос ёхуд даромадга эгалик қилишингиз мумкин. Февралда иш жойингиздаги мартабангиз ошиши, апрель ва ноябрда эса ҳаётингизни яхши томонга ўзгартирадиган воқеалар содир бўлиши кутилмоқда.

ЭГИЗАКЛАР. Янги йилда фаол "эгизаклар" баъзи тўсиқларга учраб, анча сустлашсалар-да, юқори лавозимлар сари шахдам қадам ташлашга эришадилар. Бурж вакилларидан жанжал-низолардан узоқроқ юриш талаб этилади. Шахсий ҳаётлари аввалги икки-уч йилдагига нисбатан омадлироқ бўлиши кутилади.

ҚИСҚИЧБАҚА. Январнинг биринчи ярмидаёқ йил мобайнида катта даромад топиш учун қулай шароит яратиб олишингиз мумкин. Октябрь ойининг бошидан йил охиригача ҳосил йиғиб олиш билан овора бўласиз. Ҳосил шу даражада мўл бўладики, 2008 йил бошида пулингизни қимматбаҳо ашёлар сотиб олишга сарфлаш пайига тушасиз.

АРСЛОН. Январь-февраль ойларида фирибгарлар чиғириғидан ўтишга мажбур бўласиз. Май ойи, аксинча, омадли келади. Мол-мулк билан боғлиқ муаммоларингизни август ойининг дастлабки икки ҳафтаси мобайнида ҳал қилганингиз маъқул. Сентябрь-октябрь ойларида муносиб тақдриланасиз.

ПАРИЗОД. Касбга оид ижобий ўзгаришлар февралда бошланиб, апрелгача давом этади. Июнь ва сентябрда бировнинг омонати билан муомала қилишда эҳтиёт бўлинг. Ноябрда омадли сафарларга чиқишингиз кутилмоқда. Шахсий ҳаётда баъзи муаммоларга дуч келасиз.

ТАРОЗИ. Йил давомида ҳамкасбларингиз орасида ташаббускорлигингизни намойиш қилишга муваффақ бўласиз. Бизнесингизни ривожлантириш учун март ва апрель ойларидан қулайроқ вақтни топа олмайсиз. Февраль, март ва ноябрь ойларида шахсий ҳаётингизнинг энг гуллаган даврини бошдан кечирасиз.

ЧАЁН. 2007 йил (айниқса март-ноябрь ойлари оралиғи) сердаромад келиши кутилса-да, топишингизга яраша катта харажат қилишга мажбур бўласиз. Ижод билан шуғулланувчи бурж вакиллари учун йил ўртаси ўта самарали келади. Юқори мартаба учун йил мобайнида олиб борган ҳаракатларингиз, афсуски, (май-июнь ойлари бундан мустасно) кутилган натижани бермайди.

ЎҚОТАР. Октябрь ойини ҳисобга олмаганда, омадли йилни бошдан кечирасиз. Деярли барча мақсадларингиз рўёбга чиқади. Шундай бўлса-да, имкон қадар узоқ сафарларга чиқмаганингиз маъқул. Август-сентябрь ойларида юқори лавозимларга тавсия этиласиз. Ноябрь ойида шахсий ҳаётингизда ижобий ўзгаришлар рўй беради.

ТОҒ ЭЧКИСИ. Янги йилнинг дастлабки ойларида эски дастурлар бўйича иш олиб борсангиз-да, март-апрелдан бошлаб янги лойиҳаларни амалга татбиқ этишга мажбур бўласиз. Нима бўлишидан қатъий назар, январь ва август ойларида ҳамкорлар билан манфаатли битимларни имзолаб, салмоқли даромад оласиз.

ҚОВҒА. Янги йилга янги куч ва ғоялар билан кириб келасиз. Жумладан, йил бошларида катта жамоага раҳбар этиб тайинланишингиз, иш жараёнига антиқа усулларни жалб қилиб, март ва ноябрь ойларида молиявий ютуқларга эришишингиз кутилмоқда.

БАЛИҚ. 2007 йилдан яна омад, бахт ва фаровонликка рўбарў қилувчи оқим бўйлаб суза бошлайсиз. Туғилган кунингиздан икки ҳафта аввал ва икки ҳафта кейин энг бахтли онларни бошдан кечиришингиз кутилмоқда. Ёз ойларида қатор қийинчиликларга дуч келсангиз-да, сентябргача ана шу муаммоларнинг барчаси ҳал бўлади.

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

КЕНГАШ РАИСИ
Муҳаммадюсуф ТЕШАБОЕВ

КЕНГАШ АЪЗОЛАРИ

Абдулазиз АБДУЛЛАЕВ
Адҳам ШАДМАНОВ
Акром АЛИМОВ
Маҳаматжон АҲМЕДЖАНОВ
Муҳаммадилҳом ЙЎЛДОШЕВ
Бахтиёр ЁҚУБОВ
Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ
Илҳом НАСРИЕВ
Маъруфжон УСМОНОВ
Мансур ЗОКИРОВ
Мухлиса АКРАМОВА
Маҳмуд САЙДАЛИЕВ
Равшан ОХУНОВ
Раҳматилло КАМОЛОВ
Сирожиддин САЙЙИД
Шухрат НОРГИТОВ
Шухрат ОРИПОВ
Қиёмиддин НАЗАРОВ
Қобилжон ТОШМАТОВ
Туланбой КАРИМОВ
Эркин ТОШЕВ

ТАҲРИРИЯТ

Абдували СОЙИБНАЗАРОВ
Маркс ЮСУПОВ
Зумрад АБРОРОВА
Носир ТОШЕВ
Ориф ЎЛМАСОВ
Тоҳир МАЛИК
Темур АБДУРАҲМОНОВ
Тоҳир МИРҲОДИЕВ
Улуғбек ЮСУПОВ
Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА
Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ

МАТН ТЕРУВЧИЛАР

Нигора ЖЎРАЕВА
Замира АҲМЕДОВА

БЎЛИМЛАР

КОТИБИЯТ
361-40-17
ПАРТИЯ ТУРМУШИ
55-45-08
ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ
55-43-57
ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ
361-30-45
МАЪНАВИЯТ, АДАБИЁТ ВА САНЪАТ
361-21-31
ХАТЛАР, ШИКОЯТЛАР ВА ТАҲЛИЛ
361-31-16
ФАКС: 361-33-80

Навбатчилар:
Н. ТОШЕВ,
Ш. ХЎЖАЕВ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шахри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Буюртма рақами: Г-1467
Тираж: 11672

PR - тижорат белгиси

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

«XXI ASR» иқтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2003 йил 18 декабрда 028 рақами билан рўйхатдан ўтган.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
Тошкент, «Нукус» кўчаси, 73А-уй.

ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:
axborotXXIasr@yahoo.com
XXI_ASR@yahoo.com
XXI_ASR@doda.uz

©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

БОШ МУҲАРРИР
Миродил АБДУРАҲМОНОВ

©

БИЗНЕС ҲАМКОРЛАРИМИЗ

ASR EKSPRESS MEDIA
НОШИРЛИК УЙИ
ТЕЛ.: 279-28-71; 361-33-80

Mila PRESS
РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ
Тел.:(998-71)361-49-52
E-mail: milapress@yahoo.com